

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Самарқанд давлат чет тиллар институти
Роман-герман тиллари факультети
Немис тили ва адабиёти кафедраси

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 4Н(нем.)
КБК 81.2 нем.
К 12

Каюмова Нозима Тилавовна

**Немис тили илова конструкциясида гап бўлақларининг
қўлланиши**

**5A120102 Лингвистика (немис тили)
Магистр**

академик даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси

Илмий раҳбар: доц. М.Б.Бегматов

Кафедранинг 2015 йил 19 майда
бўлиб ўтган йиғилишининг
10- сонли баённомаси билан ҳимояга
тавсия этилди.

Кафедра мудири

доц.М.Бегматов

С а м а р қ а н д - 2015

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш	3
Биринчи боб: Иловали элементларнинг ўрганилиш тарихига доир.....	14
1.1. Тилшунос олимларнинг илова конструкция ҳақидаги фикр-мулоҳазалари.....	14
1.2. Немис тилида иловали элементларнинг ўрганилиши.....	16
I боб бўйича хулоса	36
Иккинчи боб: Немис тили иловали конструкциясида гап бўлакларининг ифодаланиши.....	37
2.1. Илова конструкциясида ҳолнинг ўрни.....	37
2.2. Ҳол формасида ифодаланган иловали элементлар.....	46
II боб бўйича хулоса.....	55
Учинчи боб: Немис тили иловали конструкциясида тўлдирувчининг ифодаланиши.....	57
3.1. Тўлдирувчи иловали элемент функциясида.....	57
3.2. Иловали конструкцияда тўлдирувчининг ўрни.....	65
III боб бўйича хулоса.....	68
V. Хулоса	70
VI. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	74

К И Р И Ш

Танланган мавзу долзарблигини ва унинг ўрганилиш даражасини аниқлаш - бу ўз навбатида шу соҳага бағишланган илмий - тадқиқот асарларни маълум даражада ўрганишни ва улар тўғрисида тегишлича хулосаларга эга бўлишни билдиради. Шу сабабли биз ўзимиз танлаган мавзунинг долзарб мавзулардан бири эканлигини кўрсатиш мақсадида, шу соҳага, аниқроғи илова ҳодисасини ўрганишга бағишланган илмий асарларни ўрганиб чиқишдан бошладик. Танланган мавзуга бундай ёндашиш ўзининг ижобий натижаларини берди. Масалан, ҳозирги замон немис тили рус ва бошқа герман тилларига оид грамматика дарсликларда ҳамда илмий тадқиқот асарларда гапнинг иловали элементлари тўғрисида келтирилган маълумотларга қараганда, гапнинг иловали элементлари функциясида ифодаланиб келувчи синтактик конструкцияларнинг барча структуравий гуруҳлари бир текисда ва атрофлича ўрганилмаганлиги аниқланди.

Ҳозирги замон немис адабий тилида ҳам гапнинг иловали элементларидан айрим турларига алоҳида аҳамият берилган, яъни махсус (илмий ишларнинг мавзуси қилиб) ўрганилган. Ана шундай маълум даражада ўрганилган гапнинг иловали элементларига аниқловчили, ҳолли, сифатдошли иловали элементларни киритиш мумкин. Бундай хулосаларнинг тасдиғи сифатида баъзи бир тилшунос олимларнинг фикр - мулоҳазаларини бу ерда келтиришни ўринли деб ҳисоблаймиз. Масалан Г.В. Колшанский ажратилган гап бўлақларининг грамматик функцияларини рус ва немис тиллари материалларида ўрганиб шундай ёзади: «Шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, илова ҳодисаси кенгроқ маънода, ажратилган иккинчи даражали бўлақлар торроқ маънода, ғарбий тилшунослик фанида ҳам ҳозирги кунгача ўз ечимига эга бўлмаган. Улар гапнинг

иловали элементлари деганда, кўпинча, иккинчи даражали предикацияни, эркинроқ характерга эга бўлган изоҳли иловали элементларни тушунади». Колшанскийнинг ғарб тилшунослари тўғрисида келтирган бундай фикрлари бироз вақт ўтгандан сўнг яна бир германшунос олимнинг илмий - тадқиқот ишида такрорланади. Л.П. Нестерова немис тили материаллари асосида атрибутивли иловали элементларнинг интонациясини ўрганиш жараёнида шундай фикрга келади: «Немис тилида немис тилига оид илмий - тадқиқот асарларида илова ҳодисасини, айниқса уларнинг интонациясини ўрганишга бағишланган махсус изланишлар йўқ. Жумладан, немис тилшуносларининг илмий - тадқиқот ишларида ҳам ажратилган гап бўлакларидан фақат изоҳловчили иловали элементларни ўрганишга бағишлаб ёзилган айрим мақолаларни учратиш мумкин холос».

Илова ҳодисасига бағишланган илмий ишлар билан танишар эканмиз, нафақат илова ҳодисасини, балки унинг айрим структуравий гуруҳларининг матн доирасида ёйилиш даражаси тўғрисидаги фикрлар ҳам ҳар хил эканлигига дуч келамиз. Жумладан, Л.В. Зиндер ва Т.В. Строевалар томонидан 1957 йилда чоп этилган «Современный немецкий язык» номли монографияда илова ҳодисаси тўғрисида қуйидагича фикр-мулоҳазаларни учратиш мумкин: «Юқорида таъкидлаганимиздек, тўлдирувчилар (воситали ва воситасиз) бошқа иккинчи даражали бўлакларга нисбатан гапнинг Иловали элементлари функциясида камдан - кам учрайди». Худди шундай фикрни биз германшунос олим О.И. Бродовичнинг илова ҳодисасини ўрганишга бағишлаб ёзган илмий ишида ҳам учратамиз. Масалан, О.И. Бродович илова ҳодисасини инглиз тили материаллари асосида ўрганиб, шундай хулосага келади: «Тўлдирувчилар инглиз тилида камдан - кам ҳолларда иловали элементлар функциясида ифодаланади». Бироз вақт ўтиши

билан Л.Р. Зиндер, Т.В. Строева ва О.И. Бродовичларнинг тўлдирувчилар ажратилган гап бўлаклари функциясида камдан-кам учраши мумкин деган фикрлари яна бир илмий - тадқиқот ишида бошқача кўринишга эга бўлади. Масалан, Е.С. Скобликова илова ҳодисасини ҳозирги замон рус тили материаллари асосида ўрганиб, шундай ёзади: «Тўлдирувчилар гап таркибида бошқа гап бўлақларига нисбатан тез-тез қўлланилиши ва бош гап бўлаклари билан узвий боғлиқ бўлганлиги туфайли ажратилган гап бўлаклари функциясида кела олмайди). Энг қизиғи шуки, агарда Е.С. Скобликова чоп этган Е.В. Кротевичнинг «Обособление второстепенных членов предложения в современном немецком языке» номли монографияси билан таниш бўлганда эди, шундай хулосага келмаган бўлар эди. Е.В. Кротевичнинг ушбу монографиясида ҳам тўлдирувчили иловали элементларга кенг ўрин берилган.

Иловали элементларнинг ўрганилиш даражасини аниқлашда унга икки томонлама ёндашиш лозим: бир томондан ажратилган гап бўлақларининг ҳар хил тил материаларида ўрганилиш даражасини аниқлаш; иккинчи томондан эса, немис тили материали асосида унинг ўрганилиш даражасини аниқлаш. Танланган мавзуга бундай ёндашиш, албатта, ўзининг ижобий натижасини беради. Бизга маълум бўлган илмий манбааларга қараганда, илова ҳодисаси бўйича қуйидаги тилларда илмий-тадқиқот ишлар ҳимоя қилинган: рус тилида (А.Г. Руднев, Е.В. Кротевич); инглиз тилида (С.И. Ильина, К.Я. Петровская, Э.К. Сильченко); немис тилида (Л.П. Нестерова, Г.Б. Сихарулидзе, Т.А. Свиблова); Литва тилида (Б. Добровольскис); латиш тилида (К.Я. Гайлуис); арман тилида (Дж.А. Кочинян); озарбайжон тилида (А.З. Абдуллаев). Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ҳимоя қилинган илмий - тадқиқот ишларда илова ҳодисасига хос бўлган барча хусусиятлар

тўлиғича ўз таҳлилига эга бўлмаган. Тилшунос олимлар кўп ҳолларда илова ҳодисасининг интонацион тавсифига, грамматик ифодаланишига, баъзи ҳолларда синтактик хусусиятларига алоҳида урғу берган.

Ушбу ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида Е.В. Гулыга ва М.Д. Натансонларнинг ҳаммуаллифликда чоп этган «Syntax der deutschen Gegenwartssprache» номли монографиясидан қуйидагиларни алоҳида таъкидлашни лозим деб топамиз: монографияда Иловали элементлар қуйидагича структуравий гуруҳларга ажратилади: эга, кесим, иккинчи даражали бўлақлар, сифатдошли бирикмалар, инфинитивли гуруҳлар, инфинитивли боғловчили гуруҳлар. Ушбу ажратилган бўлақли гуруҳлардан аниқловчили, ҳолли, изоҳли ва сифатдошли гуруҳлар маълум даражада ўрганилган; эга, кесим ва тўлдирувчи шаклида ифодаланиб келувчи иловали элементлар бирон-бир илмий - тадқиқотнинг текшириш объектига айланмаган.

Демак, илова ҳодисасини ўрганишга бағишлаб яратилган илмий-тадқиқот асарлар билан танишиш, уларда баён қилинган тилшунос олимлар фикр - мулоҳазаларини синчковлик билан атрофлича ўрганиш, биз танлаган мавзу ҳозирги кунгача тўлиғича ўрганилмаган долзарб мавзулардан бири эканлигини кўрсатмоқда.

М а в з у н и н г д о л з а р б л и г и. Илова ҳодисаси ҳозирги кунгача турли-туман тил материалларида қанчалик узоқ ўрганилиш тарихига эга бўлмасин, у ҳар қандай замонавий тилшунослик фанининг, энг аввало, немис тили синтаксисининг энг муҳим ва ўрганилиши лозим бўлган долзарб муаммолардан бири бўлиб қолаверади. Унинг долзарблиги шундаки, у биринчи марта мураккаб гап синтаксиси предмети сифатида ўрганилмоқда.

Иловали элементлар мураккаб гап синтаксиси предмети сифатида содда ва кўшма гаплар таркибида келиб, уларни мураккаб гапга айлантирувчи синтактик конструкцияларга айланади ва янгича синтактик категорияни вужудга келтиради. Янгича синтактик категорияга эга бўлган тўлдирувчилар оддий тўлдирувчилар функциясида эмас, балки ажратилган гап бўлаклари функциясида келади. Гапнинг иловали элементлари функциясида келувчи тўлдирувчилар содда гап таркибида келувчи худди шундай тўлдирувчилардан шаклан фарқ қилмайди, бироқ янгича сифатга эга бўлади, яъни мазмунан, оҳанг жихатдан нисбий мустақилликка эга бўлади. Янгича табиатга эга бўлган тўлдирувчили иловали элементларни илмий - изланишнинг алоҳида мавзуси сифатида танлаш унинг ниҳоятда долзарб эканлигини яна бир бор таъкидлайди.

М а в з у н и н г ў р г а н и л и ш д а р а ж а с и. Илова ҳодисаси ва у билан бевосита боғлиқ бўлган, иловали элементлар, иловали элементлар билан маълум бўлаклар ўртасидаги синтактик муносабатлар, маълум бўлаклар билан иловали элементлар орасидаги синтактик алоқалар иловали элементларнинг маълум бўлакларга нисбатан билдираётган кўшимча маъно хусусиятлари аниқловчили, изоҳли, сифатдошли иловали элементлар таркибида маълум даражада ўрганилган бўлсада, бироқ тўлдирувчили иловали элементлар таркибида улар эндигина ўз изоҳига эга бўлмоқда. Тўлдирувчили иловали элементлар шу кунгача бирон-бир илмий-изланишнинг кун тартибига қўйилмаган, чунки уларнинг матн доирасида ёйилиш даражаси ҳам кўпинча шуҳба остига олинар эди. Тўлдирувчили иловали элементларнинг матн доирасида ёйилиш даражаси ҳақида бирон-бир илмий мақола ҳажмида статистик маълумотлар келтирилмаган.

Баъзи ҳолларда иловали элементларнинг айрим структуравий типлари таҳлил қилиниб, уларнинг маъновий хусусиятлари изоҳланади. Бироқ, иловали элементлар ҳозирги замон немис тили материалларида ёзилган илмий - тадқиқот ишларида мураккаб гап синтаксиси предмети сифатида ўрганилмаган, яъни тадқиқ қилинмаган. Умуман олганда, немис тили грамматикасига оид бирон-бир дарсликларда «мураккаб гап синтаксиси» деб номланувчи терминологик тушунчани деярли учратмаймиз, фақатгина унга бироз яқинроқ бўлган Е.В. Гулыганинг «komplizierte Satzkonstruktionen» терминологик тушунчасини учратиш мумкин ҳолос.

Илова ҳодисасининг бошқа синтактик ҳодисалари билан, шу жумладан, илова ҳодисаси, эллипсис ҳодисаси ва гап бўлақларининг актуал илова ҳодисаси билан ўзаро муносабати тўғрисида, шунингдек, уларнинг бир-бирларига қиёс қилиб ўрганишнинг мумкинлиги тўғрисида ҳеч нима дейилмаган.

Демак, у ёки бу ҳодисада тўлароқ маълумотларга эга бўлиш учун, энг аввало, изланиш мавзусини конкретлаштирмақ зарур. Ана шундагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Юқорида айтилган фикр ва мулоҳазаларга асосланиб, биз илова ҳодисасини, аниқроғи, бу ҳодисани юзага келтирувчи ва гаплар таркибида маълум бўлақларга нисбатан турли хил функцияларни бажариб келувчи, тўлдирувчили иловали элементларнинг структуравий, маъновий ва стилистик функцияларини тадқиқот объекти қилиб олдик. қўйилган мақсадга эришиш учун ҳозирги замон немис ёзувчилари, жумладан, Лион Фейхтвангер, Вальтер Флегел, Бернхард Келлерман, Рут Крафт, Вернер Штайнберглрнинг бир қатор бадий асарларини ўрганиб чиқиб, уларда учрайдиган иловали элементларни махсус карточкаларга кўчириб олдик. Асарлардан тўпланган мисоллар маълум тартибга

келтирилиб, структуравий гуруҳларга классификация қилинди. Тўпланган мисоллар таҳлили иловали элементларнинг маълум бўлакка нисбатан турли хил функцияларни бажариб келишини исботлади. Иловали элементларга хос бўлган синтактик, семантик ва стилистик хусусиятларни аниқлаш, изоҳлаш асосида ушбу мавзунинг ниҳоятда долзарб мавзулардан бири эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Чунки тўпланган мисоллар иловали элементларнинг маълум бўлакларга нисбатан турли-туман функцияларни бажариб келишини ва уларни ўрганиш зарурлигини яна бир бор кўрсатади.

Тадқиқотнинг объекти. Ҳозирги замон немис тилида гап бўлақларининг ўрни ва аҳамияти.

Тадқиқотнинг предмети. Илова конструкцияда гап бўлақлари.

Т а д қ и қ о т н и н г м а қ с а д и в а в а з и ф а с и. Иккинчи даражали бўлакли иловали элементлар томонидан маълум бўлакка ёки бутун гап мазмуни билдириб келаётган синтактик, семантик ва стилистик функцияларини таҳлил қилиш қуйидаги муҳим вазифаларни бажаришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди:

Илова ҳодисаси мураккаб гап синтаксисининг предметларидан бири эканлиги.

Илова ҳодисаси тўғрисида мавжуд бўлган тилшунос олимлар фикр-мулоҳазаларини ўрганиш.

Тўлдирувчили иловали элементларнинг грамматик ифодаланиш усулларини таҳлил қилиш.

Тўлдирувчили иловали элементлар билан маълум бўлақлар орасидаги синтактик, семантик муносабатларни таҳлил қилиш.

Тўлдирувчили иловали элементлар билан маълум бўлақлар ўртасидаги синтактик алоқа воситаларини аниқлаш.

Тўлдирувчили иловали элементларнинг маълум гап бўлақларига нисбатан тутган позицияларини ва бирикиш усулларини аниқлаш.

Иловали элементларнинг бошқа синтактик конструкциялар билан, жумладан иловали унсурлар ва эллипсис билан ўзаро боғлиқлигини кўрсатиш.

Иловали элементларнинг маълум бўлақларга нисбатан якка ва кенгайтирилган ҳолатларда қўлланилишини аниқлаш.

Тўлдирувчили иловали элементларнинг худди шундай бўлақларга ўхшашлиги ва улардан фарқ қилдирувчи омилларни исбатлаб бериш.

Тўлдирувчили иловали элементлар муҳим услуб воситаларидан бири эканлигини алоҳида таъкидлаш.

Тўлдирувчили иловали элементларнинг матн доирасида ёйилиш даражасини кўрсатувчи статистик маълумотлар яратиш ва бошқалар.

Тўлдирувчили иловали элементларга хос бўлган хусусиятларни иш давомида тўлиғича ёритиб борамиз.

Т а д қ и қ о т н и н г и л м и й я н г и л и г и. Ҳар қандай илмий муаммо тадқиқи, у қандай мавзуга боғлиқ бўлишидан қатъий назар, маълум даражада янгилик характерига эга бўлади. Чунки бирон-бир ҳодиса устида олиб борилган изланиш жараёнида маълум бўлган фикр ва мулоҳазалар асосида маълум бўлмаган, бошқача қилиб айтганда ечилмаган ва аниқланмаган хулосалар яратилади. Масалан, тўлдирувчили иловали элементларни ўрганиш натижасида синтаксис соҳасида янги бир категория, яъни ажратилган гап бўлақлар категорияси юзага келади. Натижада синтаксис яна бир мустақил категорияга эга бўлади. Тўлдирувчили Иловали элементлар ҳам худди шундай бўлақлар каби мураккаб гап синтаксисининг предмети ҳисобланади. Тўлдирувчили иловали элементларнинг изоҳланиши натижасида немис тили грамматикасида содда ва қўшма гаплар

синтаксиси билан биргаликда мураккаб гап синтаксиси ҳам пайдо бўлади.

Т а д қ и қ о т н и н г н а з а р и й а ҳ а м и я т и. Тўлдирувчили иловали элементларнинг таҳлили натижасида юзага келган хулосалар назарий грамматика, стилистика ва таржима назарияси фанларининг тегишли бўлимларини бойитишда, тўлдиришда хизмат қилади. Шунингдек, илова ҳодисасини бошқа стилистик ҳодисаларга, жумладан, илова ҳодисасига, эллипсисга қиёс қилиб ўзаро мантиқий боғлиқликда ўрганиш учун назарий асос бўлади. Немис тилига оид грамматика дарсликлариди содда ва қўшма гаплар синтаксиси билан бир каторда мураккаб гап синтаксиси ҳам ўзининг муносиб ўрнига эга бўлишлиги учун замин яратади. Қисқаси, герман тиллари синтаксисини назарий билимлар билан бойитишда асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади, чунки мураккаб гап синтаксиси унсурлари бир вақтнинг ўзида ҳам содда гап синтаксиси таркибида ҳам қўшма гап синтаксиси таркибида учраши мумкин. Натижада синтаксиснинг учала бўлимининг мантиқий боғлиқлигини ифодаловчи назарий қарашлар юзага келади.

Т а д қ и қ о т н и н г а м а л и й а ҳ а м и я т и. Диссертация ишида илмий тадқиқот объектининг натижалари бўйича баён қилинган фикр-мулоҳазалардан олий ўқув юртларининг филология факультетлари учун мўлжалланган ўқув ва услубий қўлланмалар, методик кўрсатмалар, танланган мавзу бўйича ўқиладиган махсус курслар учун машқлар тўпламини тузишда кенг фойдаланиш мумкин. Шунингдек, магистрлик диссертациясида эълон қилинган хулосалар немис тили бўйича ўқитиладиган амалий машғулотларда: таҳлил, уйда ўқиш, суҳбат дарсларида, назарий грамматика, стилистика ва таржима назарияси ва амалиёти фанлари бўйича ўтказиладиган семинар

машғулотларда, таржима амалиётида кенг қўламда қўлланиши мумкин. Ишнинг натижалари таржима жараёнида, жумладан, бирон-бир асарни немис тилидан ўзбек тилига ўгиришда муҳим аҳамият кашф этади. Умуман олганда, ишнинг натижалари айрим грамматик тушунчаларга, жумладан, синтактик параллелизм, синтактик синонимия, синтактик вариантлик каби тушунчаларга изоҳ беришда муҳим амалий аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Т а д қ и қ о т м е т о д и. Диссертация ишини ёзиш жараёнида қуйидаги методлардан фойдаланилди:

тавсифий таҳлил (изланиш мавзуси бўйича лингвистик адабиётни ўрганиш асосидаги таҳлили ва синтези);

синтактик, семантик;

қиёсий таҳлил (илова ҳодисасини илова ҳодисасига ва эллипсисга қиёс қилиб ўрганиш);

контекстуал-вазият ва матн таҳлили;

трансформацион таҳлил (баъзи ҳолларда мураккаб гапни содда гап шаклига келтиришда);

Тадқиқотнинг ишончлилик натижаси энг мақбул илмий изланиш асослари назарий конструкцияларни тузишнинг самарали усуллари ёрдамида олиб борилган бўлиб, ҳозирги замон немис адабий тилида, аниқроғи немис тили синтаксиси соҳасида илова ҳодисаси тўғрисида мавжуд бўлган маълумотларни конкретлаштириш, ривожлантириш, тўлдириш, кенгайтириш ва бойитишдан иборат.

Илова ҳодисасининг замонавий тилшунослик тизимида комплекс тавсифи тадқиқот объектини ташкил қилади.

Тўлдирувчили Иловали элементларга хос бўлган хусусиятларнинг таҳлили ва унинг ҳозирги замон немис тили

грамматик ҳодисалари билан ўзаро боғлиқлиги илмий ишнинг предметиدير.

Магистрлик диссертациясининг структураси . Магистрлик диссертацияси кириш, 3 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

Биринчи боб

Иловали элементларнинг ўрганилиш тарихига доир

1.1. Тилшунос олимларнинг илова конструкция ҳақидаги фикр-мулоҳазалари

Тўлдирувчи иловали элементлар турли хил структуравий тўзилишларга эга бўлиши, хилма-хил маъновий вазифаларни бажариб келиши билан бир қаторда маълум бўлакларга нисбатан ранг-баранг услубий вазифаларни ҳам бажариб келиши мумкин. Иловали элементларнинг стилистик вазифалари табиат ва жамиятда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни, асар қаҳрамонларининг фоолиятини, ҳатти-ҳаракатини, фикр-ўйини, ҳис-тўйғуларини, шунингдек, уларнинг психологик кечинмаларини, уларга хос бўлган ижобий ва салбий ҳислатларни тасвирлаб ва таърифлаб беришдан иборат. Уларга хос бўлган бундай хусусиятларни тасвирлаб беришда ва тасвирланаётган воқеани китобхонга етказишда турли туман тасвирий воситалардан фойдаланилади. Бундай тасвирий воситаларнинг ифодаланиш усуллари ҳам турли-туман. Улар: умумийликни конкретлаштириш, антитеза, такрор воситаси, перифраз, бирон-бир унсурнинг туширилиб қолдирилиши, сўз тартиби, ўхшатиш ва бошқалар.

Демак, бундай хилма-хил тасвирий воситаларни изоҳлаб беришда лексик ва грамматик воситалар муҳим роль ўйнайди. Биз бу ерда тасвирий воситаларни изоҳлашда грамматик воситалардан фойдаланамиз. Грамматик воситалар бу гапнинг иловали элементлари, яъни иловали элемент тамонидан бажариб келинаётган стилистик функциялардир. Ўз-ўзидан маълум гапнинг ажратилган бўлаги бу, ўз навбатида, услуб воситасидир. Унинг услуб воситаси эканлигини тасдиқлаш мақсадида академик Ғ. Абдурахмоновнинг қуйидаги фикрини келтиришни ўринли деб ҳисоблаймиз: «Гапнинг иловали

элементлари услуб воситаларидан биридир. Мураккаб фикрни содда, ихчам ва таъсирли ифодалаш усулларидан бири иловали элементлардан фойдаланишдир. Шунинг учун ҳам иловали элементлар масаласи грамматикагина эмас, услуб, оҳанг, тиниш белгилари масалалари билан ҳам боғланади. Иловали элементлар ўзининг грамматик белгиси мазмуни ва вазифасига кўра, синтаксиснинг махсус соҳаси - мураккаб гап синтаксисининг ўрганиш манбасидир».

Академик Ғ. Абдурахмоновнинг ушбу тезисини тасдиқлаш мақсадида яъна бир илмий ишда келтирилган хулосага муражаат қиламиз. Масалан, Л.И. Зильберманн ва Г.И. Абрамовалар, ажратилган бўлақларнинг стилистик хусусиятини илмий матнлар таркибида таҳлил қилиб, қуйидагича хулосага келишган: «Илова ҳодисасидан турли хил мақсадларда фойдаланиш мумкин: гапнинг ажратилган бўлагига китобхоннинг диққат-эътиборини алоҳида жалб қилиш мақсадида; иловали элемент орқали маълум бўлақнинг маъно хусусиятини алоҳида бўрттириб, ажратиб кўрсатиш мақсадида; Иловали элементларнинг ҳар қандай тури ҳам стилистик характерга эга бўлиб, хилма-хил стилистик вазифаларни бажариб келади.

... Илова ҳодисаси услуб воситаси сифатида фақат бадиий матнлар доирасидагина эмас, балки илмий матнлар доирасида ҳам кенг ёйилган».

Демак, иловали элементлар ҳам турли-туман образли сўз ва сўз бирикмалари шаклларида ифодаланиб келиб, матнлар доирасида турли-туман стилистик функцияларни бажаради. Уларга хос бўлган бундай функцияларни иккига бўлиб ўрганишни лозим топамиз: 1) Иловали элементлар тасвирий воситалар функциясида; 2) Иловали элементларнинг матнлар доирасида ёйилиш даражаси.

1.2. Немис тилида иловали элементларнинг ўрганилиши

Биз гапнинг иловали элементларини ўрганишга бағишланган бир қатор илмий-тадқиқот ишларнинг хулосалари билан танишиб, ажратилган гап бўлаклари тўғрисида маълум даражада тушунчага эга бўлдик. Энди ана шу илмий ишларнинг хулосаларига таяниб, ушбу бобнинг вазифасини қуйидагича белгилашни лозим топдик: биринчидан, ажратилган гап бўлаклари тўғрисида мавжуд бўлган хулосаларни ривожлантириш, баъзи соҳаларда уларга маълум даражада аниқлик киритиш; иккинчидан, тўлдирувчили иловали элементларга хос бўлган барча синтактик ва семантик хусусиятларни мисоллар таҳлилида изоҳлаб бериш.

Қуйилган вазифаларин бажариш мақсадида биз бир қатор машҳур немис ёзувчиларининг, яъни Л. Фейхтвангернинг "Narrenweisheit", "die hässliche Herzogin Margarete Maultasch", "die Brüder Lautensack", В. Фигелнинг "Ein Katzensprung", Б. Келлерманнинг "Totentanz", Р. Крафтнинг "Unruhiger Sommer", В. Штайнбергнинг "Als die Uhren stehenbleiben" каби асарларини ўрганиб чиқдик. Ушбу асарлар устида олиб борган кузатишлар гапнинг иловали элементлари, аниқроғи тўлдирувчили иловали элементларнинг юқорида номлари кўрсатилган асарларда маълум даражада ёйилганлигини кўрсатади.

Тўлдирувчили иловали элементларга хос бўлган хусусиятларни изоҳлашга ўтишдан олдин илова ҳодисаси ва у туфайли юзага келаётган иловали элементларга ва улар бевосита боғлиқ бўлган маълум бўлақларга нисбатан муаллифлар томонидан қўлланилаётган терминологик тушунчаларнинг ҳар хил бўлишлигини қуйидаги мисол таҳлилида изоҳлаб беришга ўтайлик:

Mistress Singh trug das traditionelle indische Frauengewand, den Sari

Иловали элементга нисбатан: иш доирасида қуйидаги тушунчалар қўлланилиши мумкин: Иловали элемент, компонент, коммуникатив бўлак, синтактик бирлик, қўшимча маъноли компонент, маъно томонидан муҳим компонент, «кесимнинг ҳосиласи» ва бошқалар.

Маълум бўлакка нисбатан: асосий сўз, асосий сўз бирикмаси, таянч компонент, ҳоким компонент, қўшимча изоҳ талаб қилувчи синтактик бирлик, «антецедент» каби ва бошқа тушунчалар қўлланилиши мумкин. Иш доирасида ажратилган гап бўлакларга ёки маълум компонентларга нисбатан қўлланилаётган терминологик тушунчаларнинг барчаси тўлдирувчили иловали элементларга хос бўлган хусусиятларни изоҳлаб беришга хизмат қилиши мумкин.

Демак, маълум бўлакка ва иловали элементларга нисбатан бу ерда қўлланилаётган синтактик бирликларни эътиборга олган ҳолда, шунингдек, ишнинг биринчи, яъни назарий бобида тилшунос олимларнинг илова ҳодисасига нисбатан айтган фикр- мулоҳазаларини эътиборга олган ҳолда, илова ҳодисасига қуйидагича таъриф бериш мумкин (изоҳ): ўзининг нисбий мустақил мазмунига, семантик вазифасига, ўзига хос оҳангига, тўхтамига, шунингдек, мустақил мантиқий урғусига эга бўлган, содда гапларнинг таркибида келиб, уларни мураккаб гапга айлантирувчи синтактик конструкциялар илова ҳодисаси деб аталади. Илова ҳодисасига берилган бундай таъриф ишнинг ушбу ва қолган бобларида янада тўлдирилиши, кенгайтилиши ва бойитилиши мумкин.

Тўлдирувчилар шаклида ифодаланиб келувчи иловали элементларни грамматик ифодаланиши нуқтаий назаридан қуйидаги структуравий гуруҳларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ:

1) тўғридан-тўғри аккумулятив келишигида ифодаланиб келувчи иловали элементлар;

2) тўғридан-тўғри датив келишигида ифодаланиб келувчи Иловали элементлар;

3) тўғридан-тўғри генитив келишигида ифодаланиб келувчи иловали элементлар;

4) Ажратилган кўмакчили бирикмалар;

Тўлдирувчилар шаклида ифодаланиб келувчи иловали элементларни юқорида берилган тартибда таҳлил қилиш анча кўлайликларни тўғдириши мумкин: биринчидан ҳар бир структуравий гуруҳга хос бўлган хусусиятларни изоҳлашда; иккинчидан, эса ҳар бир структуравий гуруҳлар ўртасида мавжуд бўлган ўзаро мантиқий боғлиқликни кўрсатишади.

Тўғридан-тўғри аккумулятив келишигида ифодаланиб келувчи иловали элементлар, биз ўрганган матнлар доирасида ёйилиши жиҳатидан статистик маълумотларга кўра, биринчи ўринда туради. Тўғридан-тўғри аккумулятив келишигида ифодаланиб келувчи иловали элементларнинг миқдор жиҳатдан ҳудди шундай иловали элементларга нисбатан устун туриши, уларнинг хилма-хил структуравий шаклланишларига ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам биз уларга хос бўлган структуравий тузилишларни қуйидаги майда-майда гуруҳларга бўлиб ўрганишни лозим деб топамиз: 1) маълум компонентнинг олмош ва иловали элементнинг от шаклида ифодаланиши; 2) ҳам маълум ва ҳам иловали элементларнинг от шаклида ифодаланиши; 3) иловали элементнинг оралиқ позицияда келиши; 4) иловали элементларнинг боғловчилар билан келиши; 5) иловали элементнинг структуравий тузилишининг кенгайиши.

I. Маълум компонентнинг олмош ва иловали элементнинг от шаклида ифодаланиши: Биринчи гуруҳга кирувчи иловали элементларга хос бўлган хусусият- бу маълум компонентнинг олмош шаклида ифодаланиши:

1. Sie sollte ihn herauswerfen, den frechen Hund.
2. Vielleicht hätte ich sie rufen lassen, die Antje.
3. Jetzt hatte er sie also, die Perle.
4. Man darf sie nicht vergessen, diese Frauen.
5. Er sah sie die Treppe hinunter gehen: Jutta und Jonas.

1,2,3,4,5- рақамли мисолларда келтирилган ажратилган гап бўлаклари тузилишлари жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади: яъни ёлғиз (2,3,4) ва кенгайган (1,5) шаклларда ифодаланиб келган. Улар ўзларига хос оҳангга эга бўлиб, маълум гап бўлакларидан тўхтам билан ажралиб туради. Улар ўзларига хос маъновий вазифа бажариб келади. Бу вазифа маълум компонентлар томонидан билдирилаётган маънони конкретлаштириш, тўлдириш, аниқлаш ва изоҳлашдан иборат. Ажратилган гап бўлаклари томонидан билдирилаётган маъно маълум гап бўлақларининг маъносига нисбатан қўшимча характерга эга. Демак, ажратилган гап бўлақларига хос бўлган ва уларни маълум гап бўлақларидан доимо ажратиб турувчи омил бу қўшимча маънодир. Маълум гап бўлақлари билан ажратилган гап бўлақлари ўртасидаги синтактик алоқа кесимнинг умумийлиги билан ифодаланади. Иловали элементларга хос бўлган бундай хусусиятлар қуйидаги мисоллар таркибида ҳам маълум даражада такрорланиши ва тўлдирилиши мумкин.

6. Zu Poetters hatte er allerdings nur eine mitgebracht: Ulrike Lemke.

7. Durch die Sonnengläser sieht das Mädchen alles dunkelgrün, den Asphalt, die Häuser, die Leute an der Bushaltestelle.

8. Sie mußte alles verstecken, ihre Herkunft, ihre Armut, das Elternhaus, die Mutter, den unsichtbaren Makel.

9. Sie hatte alles in ihrer Tasche, Handtücher, sogar einen leichten Morgenrock.

10. Sie hatte alles zu betrachten, die sonderbaren Möbel, Bilder, Speisen, Menschen.

6,7,8,9,10-рақамли мисолларда намоёиш этилган тўлдирувчи Иловали элементлар 1,2,3,4,5-рақамли мисоллардаги худди шундай иловали элементлардан фақатгина тузилиши жиҳатидан эмас, балки шу иловали элементларни ташкил қилувчи компонентлари билан ҳам фарқ қилиши мумкин. Бундай компонентларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида иловали элементлар функциясида кела олишлари мумкин. Ажратилган гап бўлаклари томонидан билдирилаётган қўшимча маъно маълум компонент бўлмиш “alles”-нинг ёки “eine”-нинг маъносини оддий равишда эмас, балки такрорий конкретлаштириб, тўлдириб ва изоҳлаб келмоқда. Иловали элементларга хос бўлган хусусиятлардан яна бири, бу Иловали элементларни ташкил қилувчи компонентларнинг бир-бирларидан махсус тўхтаб билан ажратилганлиги ва шу компонентлар ёрдамида кенгайтирилганлигида кузатилади. Келтирилган мисоллардан маълум бўлишича ажратилган гап бўлаклари билан маълум гап бўлаклари ўртасидаги алоқалар фақатгина синтактик характерга эга бўлмасидан, улар бир-бирлари билан мазмуний жиҳатдан ҳам боғланганлар, демак, мазмуний характерга ҳам эга.

II. Ажратилган ва маълум бўлакларнинг от шаклида ифодаланиши:

1. Im Dezember 1935 bekam Anna einen zweiten Sohn, ein Sonntagskind.

2. Dafür brachte Robinet manchmal seine Urenkelin mit, Marie-Sidonia.

3. Herbert rief pflichtgemäss ein Vorstandsmitglied an, einen Zahnarzt.

4. Später fand er die Pflegemutter, die Wilhelmine Obst in Berlin.

5. Er sieht in der Tür den Fremden stehen, diesen Friedrich Kuntze.

1,2,3,4,5-рақамли мисолларда намойиш қилинган тўлдирувчилик иловали элементлар шаклланиши жиҳатидан ўзлари бевосита алоқадор бўлган компонентларга нисбатан мос келади. Уларга хос бўлган бундай мослик улар ўртасидаги аниқлик ва ноаниқлик муносабатлари билан характерланади. Масалан, 1,3- рақамли мисолларда ажратилган ва маълум бўлақлар аккумулятив келишигининг ноаниқ, 2,4,5-рақамли мисолларида эса аниқлик шакллари билан бошқарилади. Ажратилган ва маълум бўлган бўлақларга хос бўлган бундай мослик улар орасидаги синтактик алоқанинг кенгайишига олиб келади. Натижада улар орасидаги синтактик алоқалар фақат феъл-кесимнинг умумийлиги билангина эмас, балки уларга хос бўлган мослик орқали ҳам ифодаланиши мумкин. Бу ерда келтирилган иловали элементлар ҳам ўзи ифодалайдиган мазмунни бўрттириб, уни маълум бўлақнинг маъносидан ажратиб кўрсатади, чунки улар томонидан маълум бўлаққа нисбатан билдирилаётган қўшимча маъно унинг мазмунини аниқлайди, тўлдиради, конкретлаштиради. Масалан, 5-рақамли мисолда маълум бўлақ функциясида келувчи den Fremden нинг маъноси «қандайдир бегона, нотаниш кишини» билдиради. Иловали элемент diesen Friedrich Kunze нинг маъноси билан «нотаниш» «танишга» айланади. Шунинг учун ҳам иловали элементлар

томонидан билдирилаётган қўшимча маъно доимо конкретлаштирилган характерга эга бўлади.

Иловали элементларга хос бўлган бундай хусусиятларни қуйидаги мисоллар намунасида ҳам кузатиш мумкин:

6. Ich bring dir einen Spanien-Kämpfer, einen erfahrenen Genossen.

7. Damals, in Kossin, hatte er einen winzigen Lehrling, einen richtigen Däumling.

8. Sie brachte Post mit, Nachrichten aus der äusseren Welt.

9. In Brescia traf Margarete zum erstenmal den Prinzen Karl, Johannes ältesten Sohn.

10. Sie müssten Abschied feiern, den Abschied vor einem Neubeginn.

6,7,8,9,10- рақамли мисолларда келтирилган тўлдирувчили иловали элементлар худди шундай бўлақларнинг асосий компонентига нисбатан ёлғиз ёки кенгайтирилган ҳолатда келишини намоиш этмоқда. Уларнинг структурасини кенгайтиришда кўпинча мослашадиган ва мослашмайдиган аниқловчилар қўлланилади. Масалан, 6,7- рақамли мисоллардаги тўлдирувчили иловали элементлар аниқловчиларнинг мослашадиган шакли билан, 8,9,10- рақамли мисоллардаги иловали элементлар эса, мослашмайдиган шакллари билан кенгайтирилган. Ажратилган аниқловчилар маълум компонентларга нисбатан қанча кенгайтирилса, уларнинг қўшимча маъно функцияси шунча таъсирли, ифодали, солмоқли бўлади, чунки улар орқали мазмуннинг белгиси ифодаланади. Ажратилган компонентлар билан маълум бўлақлар бир-бирларига нисбатан жуда ҳам яқин мосафада туриб, улар ўртасидаги синтактик алоқалар феълларнинг бошқарув йўли билан амалга оширилади.

Тўлдирувчили иловали элементларнинг структуравий тузилишининг кенгайишида кўмакчили тўлдирувчилар ҳам иштирок этиши мумкин.

11. Mit einem halben Lächeln schob der Margraf dem Freund ein Schriftstück hin: einen Haftbefehl für Volkmar von Burgstall.

12. Es gab schon andere Kettenläden: große Geschäfte mit guten Bankverbindungen.

11,12-рақамли мисолларда келтирилган тўлдирувчили иловали элементлар юқорида таъкидланган худди шундай компонентларга ўхшасада, бироқ улардан фарқ қилувчи хусусиятларга ҳам эга: биринчидан, улар ажратилган оҳанг билан талаффуз қилинади ва бошқа гап бўлакларидан тўхтам билан ажралади, тўхтам функциясида одатдагидек вергул эмас, балки «икки нуқта» келади. Демак, иловали элементлар маълум бўлаклардан доимо вергул билан эмас, балки икки нуқта ва тире ёрдамида ҳам ажралиши мумкин экан; иккинчидан, иловали элементлар ва маълум компонентлар контекстуал синонимлар ва синонимлар ёрдамида ҳосил бўлган, 11-рақамли мисолдаги Haftbefehl компоненти ein Schriftstück га нисбатан контекстуал синоним функциясида келса; 12-рақамли мисолдаги иловали элемент Geschäfte сўзи маълум бўлак таркибидаги Kettenläden қўшма сўзнинг охирги қисмидаги Läden га нисбатан синоним. Демак, иловали элементларнинг юзага келишида синонимлик хусусиятларига эга бўлган сўз ва сўз бирикмалари ҳам иштирок этиши мумкин экан. Бундай характерга эга бўлган иловали элементлар стилистик нуқтаи назардан алоҳида таъкидланиши лозим.

Баъзи ҳолларда иловали элементларни кенгайтиришда иштирок этувчи гап бўлаклари иловали элементка нисбатан ажралиши мумкин. Масалан:

13. Er liess seine Söhne kommen, den ältesten Karl, den jüngsten Johann.

Демак, бу ерда иловали элементларни изоҳлашда иштирок этувчи den älteren, den jüngeren каби аниқловчиларнинг аниқланмиш компоненти функциясида келувчи Karl, Johann ларга нисбатан махсус тўхтам билан ажралиши иловали элементларга хос яна бир хусусиятни ифодалайди, бундай аниқловчилар ажратилган компонентлар таркибида бошқа бир муҳим коммуникатив бирлик бўлишини талаб қилмоқда, ана шундай коммуникатив ядро бу Sohn бўлиши керак. Шу Sohn бу ерда бўлмаса ҳам, лекин аниқловчилардан кейин « , » нинг кўйилиши унинг борлигини алоҳида таъкидламоқда. Демак, махсус тўхтам хусусиятига эга бўлган « , » вергул, ҳақиқатдан ҳам Sohn компонентининг қатнашаётганлиги контекстуал омил орқали ифодаланиб келмоқда, бу омил функциясида seine Söhne маълум компонент келмоқда. Умуман олганда, иловали элементлар матн доирасида ҳар хил шаклланиш хусусиятига эга. Масалан:

14. Hätte man ihm Feldern gepfändet, Weinberge, ein Dorf, eine Pfelege.

15. Er las ihr aus seinen Tagebüchern vor, Jagdgeschichten, Erlebnisse aus der Studentenzeit.

16. Ich habe Jean-Jacques gesehen, den Bürger von Genf, den Größten unten den Lebenden.

17. Nachmittags bekam Anna Besuch, einen breitschultrigen Mann mit schlenkrigen Schritt, einen Jugendfreund Willibald, Chef auf einem Frachter.

18. Er hatte Angelas Eltern besucht, ihre Freunde und Genossen, die Kollegen von der Universität.

14,15,16,17,18 - рақамли мисолларда намойиш этилган тўлдирувчи иловали элементлар юқорида келтирилган худди шундай иловали элементларга хос бўлган хусусиятларни оддийгина такрорлаб қолмасдан, уларга хос бўлмаган хусусиятларни ҳам изоҳлаш учун омил бўлмоқда. Уларга хос бўлган хусусиятлар қуйидагича: структуравий тузилишларини кенгайтиришда уюшиқ бўлакли гаплар иштирок этмоқда: 15-рақамли мисолда ажратилган компонентлар ўз антецедентига эга эмас, шунинг учун улар бутун маълум гапнинг мазмунини изоҳлаб келади; ажратилган гап бўлаклари маълум компонентларга нисбатан икки хил усулда бириккан: параллел ва кетма-кет. Параллел бирикиш -бу иловали элементлар сони бирдан ошса маълум компонентга параллел равишда бирикади, яъни ҳар бир иловали элемент мустақил ҳолда (14,15,16). Бироқ айрим ҳолларда, агар иловали элементларнинг сони иккидан ошса, улардан бири иккинчисиз антецедентга бирика олмайди, натижада улар орасидаги кетма-кет бирикиш содир бўлади. Ушбу ҳолат 17,18-рақамли мисоллар таркибида ўз ифодасини топади. Жумладан, 17-рақамли мисолдаги учинчи ажратилган компонент Chef auf einem Frachter нинг юзага келишида иккинчи ажратилган компонент einem Jugendfreund Willibald сабабчи бўлади. Худди шундай ҳолатни 18-рақамли мисол таркибида ҳам кузатиш мумкин. Бу ерда ҳам иккинчи ажратилган компонент биринчисининг мазмунини аниқлаш учун юзага келади. Уларга хос бўлган бундай хусусиятларни изоҳлаб беришда Ж.

Бўроновнинг «Гапнинг ички ва юзаки структуралари» ҳақидаги илмий концепцияси яқиндан ёрдам беради, чунки ҳар қандай гап турини аниқлашда ёки унга хос хусусиятларни изоҳлаб беришда» дескриптив лингвистикада қўлланувчи ички структура гапдан англашилган маънони, юзаки структура эса гапнинг ташқи формал тузилишини ифодалайди», деб аталувчи тезисдан унумли фойдаланмоқ керак.

III. Иловали элементларнинг маълум бўлақларга нисбатан ўрта ҳолатда туриши. Матнлар устида олиб борган кузатишларимиз баъзи бир тўлдирувчили иловали элементларнинг маълум бўлақка нисбатан ўрта ҳолатда туриши ҳам мумкинлигин исботламоқда.

1. Er erwartete Herta Fürth, sein Mädels, am Sonntag.
2. Ihren Gemahl, den Prinzen Johann, sah sie nicht sehr oft.
3. Corinna hatte ihn, den Bruder, belehren wollen.
4. Einen von ihnen, einen Foxterier, nannte sie Smiles.
5. Noch vor der Sezierung führte Monsieur de Girardin die beiden nächsten Freunde Jean-Jacques Lebegue und Ducis, an das Totenbett.

1,2,3,4,5- рақамли мисолларда намоёиш этилган тўлдирувчили ажратилган компонентлар ҳам ўзлари бевосита алоқада бўлган антецедентларга нисбатан ёнма-ён турибди. Уларга хос бўлган хусусият - бу уларнинг ана шу антецедентларга нисбатан ўрта ҳолатда, яъни позицияларда келиши. Бизнинг бу ерда маълум бўлақка нисбатан антецедент тушунчасини қўлланишимизга сабаб, ушбу терминологик тушунча Ю.С. Морару томонидан иловали унсурларга нисбатан биринчи марта қўлланилган. У испан тили материаллари асосида илова ҳодисанинг ажралмас қисми ҳисобланмиш иловали унсурларга нисбатан ана шу антецедент тушунчасини қўллаб, унинг ёрдамида

ҳосил бўлган иловали унсурларни антецедентли иловали унсурлар ёки ушбу тушунчанинг маъновий талаби билан юзага келган иловали унсурлар деб атаган. Биз ҳам антецедент тушунчасини Ю.С. Морарунинг илмий ишларидан олиб, бу ерда маълум компонентга нисбатан қўлладик, чунки илова ҳодисаси билан илова ҳодисаси ўртасида кўп жиҳатдан ўхшашликлар мавжуд. Уларга хос бўлган ўхшашликлар иловали элементлар билан иловали унсурлар томонидан бажарилаётган функцияларда ўз ифодасини топади. Масалан, ажратилган гап бўлаги маълум компонентга нисбатан «қўшимча» маъно англатиб келса, иловали унсур эса асосий ифодага нисбатан худди шундай функцияни бажаради ёки иловали элемент маълум бўлакнинг мазмунини тўлдириб, конкретлаштириб, изоҳлоб келса, иловали унсур эса асосий ифоданинг мазмунини ана шундай белгилар орқали ифодалайди; ажратилган гап бўлаги стилистик ҳодиса бўлса, иловали унсурлар ҳам стилистик ҳодисадир, чунки уларнинг ёйилиш даражаси у ёки бу ёзувчининг индивидуал услуби билан белгиланди. Бу иккала ҳодиса Б.Т. Турсуновнинг таъкидлашича «бир-биридан икки хил усул билан фарқ қилади: биринчидан, интонацияси билан; иккинчидан, ўзлари бевосита боғлиқ бўлган компонентларда тутган позициялари билан. Иловали унсурларнинг интонацияси узилиш характерига эга бўлиб, у ёзма нутқда асосий ифодадан «нукта» тиниш белгиси ёрдамида ажралади. Иловали элементларнинг интонацияси ажратилиш характерига эга, яъни у маълум бўлакдан ёзма нутқда вергул, тире ёки икки нукта билан ажралади. Иловали унсурлар асосий ифодага нисбатан фақат постпозиция ҳолатида туради, иловали элемент эса маълум бўлакка нисбатан турли хил позицияларда туриши мумкин». Демак, бу иккала ҳодисанинг бир-бирига ўхшашлик томонлари бўлсада, бир-биридан фарқ қилувчи томонлари ҳам мавжуд

экан. Шунинг учун ҳам бу ҳодисаларининг ҳар бири у ёки бу илмий-таъдқиқот ишларининг текшириш объекти сифатида ўрганилмоқда. Биз бу ерда юқорида таҳлил қилинаётган мисолларга нисбатан қўлланилаётган «антецедент» терминологик тушунчасининг лингвистик моҳиятини изоҳлаб бериш мақсадида, қисқа ҳолда, уларнинг баъзи бир ўхшашлик аломатларига мурожаат қилдик ва уларнинг ўхшашликларини кўрсатишга ҳаракат қилдик. Демак, 1,2,3,4,5-рақамли мисолларда келтирилган иловали элементлар ҳам маълум бўлақларнинг, яъни антецедентларнинг маъновий талаблари билан ҳосил бўлган. Ўз-ўзидан маълумки, фақатгина ажратилган бўлақларнинг мазмуни ёрдамида бутун бир гапнинг мазмуни конкретлаштирилиши мумкин ҳолос. Масалан 3-рақамли мисолда маълум бўлақ, яъни антецедент функциясида кишилиқ олмошининг аккумулятив шакли *ihn* келаяпти, демак номаълум шахс, унга нисбатан *den Bruder* нинг иловали элемент функциясида келиши натижасида ноаниқлик аниқликка айланади. Гап таркибида мавжуд бўлган ана шундай ноаниқликларга бартараф бериш мақсадида ҳар хил аниқлик фигуралари киритилади, улардан бири - бу ажратилган гап бўлақларининг ўзгинасидир.

Демак, иловали элементларнинг асосий функцияси маълум бўлақнинг мазмунини конкретлаштиради ва аниқлайди:

6. *Der hinderte ihn, den guten christlichen Finanzmann, am Geschäft.*

7. *Er hatte frühe Erfahrungen hinter sich, wilde kurze, wüste, trübe, enttäuschende Erlebnisse, eines hier auf dem Lande, eines in Paris.*

6,7- рақамли мисолларда намоён этилган иловали элементларга ҳос бўлган хусусиятлардан яъна бири-бу уларнинг структуравий

тузилишининг ниҳоятда кенгайишидир. Демак, структуравий кенгайиш улар томонидан маълум бўлакка нисбатан билдирила-ётган қўшимча маъно салмоғининг кенгайишига олиб келади. Маъно кенгайиши ўз навбатида тасвирланаётган ҳодисани ниҳоятда конкретлаштиради.

Ушбу мисоллар таркибида маълум бўлаклар билан иловали элементлар ўртасидаги синтактик алоқа феъл-кесимнинг умумийлиги ва бошқарувчанлиги билан амалга ошади.

IV. Иловали элементларнинг боғловчилар билан ифодаланиб келиши: Агарда ажратилган гап бўлаклари олдида боғловчилар келса, у ҳолда, бир томондан, маълум бўлаклар билан иловали элементлар орасидаги синтактик алоқа воситасининг доираси кенгайса, иккинчи томондан, иловали элементлар томонидан маълум бўлакка нисбатан билдираётган қўшимча маънонинг характери ўзгаради. Ушбу ҳолатларни қуйидаги мисоллар таҳлилида кузатиш мумкин.

1. Offiziere liess sie zu diesen Zusammenkünften selten zu, auch nicht Martin Ritter, nicht einmal ihren Mann, den General.

2. Er hatte viele Gegenden kennengelernt, und Arbeitsplätze und Menschen.

3. Fünf Kinder hat er, Zwillinge dabei.

4. Milch hat die Jutta nicht mitnehmen können, und einen Spirituskocher auch nicht.

5. Er hatte nicht nur Gepäck und Süßigkeiten mitgebracht, sondern auch eine Packung Briefpapier, feines blaugraues Briefpapier.

Энди 1,2,3,4,5-рақамли мисолларда келтирилган тўлдирувчи ажратилган компонентлар намунасида уларнинг қолган худди шундай Иловали элементлардан фарқ қилдирувчи хусусиятларини изоҳлашга ҳаракат қиламиз. Ўз-ўзидан маълумки, бу ерда изоҳланаётган

ажратилган компонентлар бир-бирларига хос бўлган хусусиятларни маълум даражада такрорлаши, тўлдириши билан бир қаторда, улардан фарқ қилувчи хусусиятларга ҳам эга бўлади. Уларнинг ана шу хусусиятларини 1,2,3,4,5-рақамли мисоллар таҳлилида кўрсатишга ҳаракат қиламиз. 1,2,3,4,5-рақамли мисолларда келтирилган иловали элементларга хос бўлган хусусиятлардан бири бу ажратилган компонентларнинг маълум компонентларга нисбатан узоқроқ масофада туришидир. Бироқ бундай масофа уларнинг ажратилган компонентлар функциясида келишига ҳеч қандай таъсир кўрсата олмайди, аксинча, ажратилган компонентларнинг худди шундай алоҳида олинган мустақил компонент сифатида келишига имконият яратади. Демак, ажратилган компонентлар юқорида таъкидлаганимиздек, ўз мустақил мантиқий урғусига, ўзига хос оҳангига, ўзига хос маъновий вазифасига, ўзига хос тўхтамига эга бўлиши билан бир қаторда нисбий мустақилликка ҳам эга бўлади. Агар ажратилган гап бўлаклари, бу ерда таъкидлаганимиздек, маълум компонентга нисбатан қанчалик узоқроқ турса, (1,2,3,4) у ҳолда уларнинг нисбий мустақиллиги шунчалик кучаяди. 1,2,3,4,5-рақамли мисолларда кўрсатиб ўтилган ажратилган компонентларга хос бўлган яна бир хусусият - бу уларнинг боғловчилар билан биргаликда ифодаланиб келишидир. Боғловчилар ҳам уларнинг маълум компонентларга нисбатан тутган синтактик муносабатларига ўз таъсирини кўрсатади. Натижада улар орасидаги синтактик алоқа воситаси икки томонлама ифодаланади: биринчидан, кесимнинг умумийлиги билан: иккинчидан, эса улар олдида келган боғловчилар ёрдамида. Боғловчилар иловали элементларнинг синтактик алоқа воситасига таъсир кўрсатибгина қолмасдан, шу билан бирга, улар томонидан маълум компонентга билдирилаётган қўшимча мазмун ҳажмининг кенгайишига ҳам таъсир кўрсатади. 1,2,3,4,5-

рақамли мисолларда келтирилган ажратилган компонентларга хос бўлган яна бир хусусиятни 5-рақамли мисолдаги иловали элемент намунасида изоҳлаб кўрамиз. Одатда, юқорида таъкидлаб ўтканимиздек, ажратилган компонентлар антецедентларнинг маъновий талаблари билан юзага келади. Бироқ бундай талабларнинг доираси ҳам кенгайиши ва уларнинг кенгайишига шу маълум компонентлар таркибида келувчи баъзи бир сўзлар таъсир қилиши мумкин экан. Ана шундай таъсир қилувчи сўзлар функциясида 5-рақамли мисоллардаги нур юкламаси ифодаланиб келмоқда. Нур юкламаси ушбу иловали элементнинг юзага келишига маълум даражада таъсир қилмоқда.

V. Ажратилган тўлдирувчи компонентларнинг маълум бўлақларга нисбатан кенгайиши: тўлдирувчи иловали элементларга хос бўлган хусусиятлардан яна бири - уларнинг структуравий тузилишини маълум бўлақка нисбатан ниҳоятда кенгайтирилишидир. Уларга хос бўлган бундай хусусиятларни қуйидаги мисоллар намунасида кузатиш мумкин.

1. Er hatte Jean-Jaques sehr gern gehabt, diesen armen, hilflosen, bis in sein Alter kindlichen Menschen mit seinem gewaltigen Hirn, seinem großen Herzen, seinen schwachen Augen und seinen Gebrechen.

2. Er nannte sich Margraf zu Bradenburg und zu Lausitz, des Heiligen Römischen Reichs Oberster Kümmerer, Pfalzgraf bei Rhein, Herzog in Bayern und in Kärnten, Graf zu Tirol und zu Görz, Vogt der Gotteshäuser Agley, Trient und Bruxen.

3. In der Werkstatt fertigte Anna mit Hilfe der Kinder Geschenkartikel an, Weihnachtskrippen, Rauschgoldenengel, geschnitzte und gebrechelte Puppen, Kinderspielzeug, Kasperletheater mit Kulissen, Holzteller, kleine Truhen.

1,2,3-рақамли мисолларда намойиш қилинган тўлдирувчи иловали элементларга хос, лекин уларнинг юқорида такрорланмаган яна бир синтактик хусусияти тўғрисида бу ерда фикр юритиш, уни алоҳида таъкидлаш, ўринли деб ҳисоблаймиз. Иловали элементлар бу ўз табиатига кўра содда гапларнинг таркибида келиб, унинг структурасини мураккаблаштирувчи воситалардир. Ҳақиқатдан ҳам шундай эканлигини, биз юқорида келтирилган мисоллар намунасида кузатдик. Иловали элементлар содда гап структурасини мураккаблаштирувчи восита сифатида якка ҳолда ёки кенгайган ҳолда келиши мумкин. Бироқ уларнинг кенгайиш даражасини ҳар қандай содда гап структурасининг кенгайиш ҳолатидан ҳам устун туришини 1,2,3- рақамли мисолларда кўриш мумкин. Иловали элементларга хос бўлган бундай хусусиятларга таянган ҳолда, шу нарсани алоҳида таъкидлашимиз лозимки, иловали элементлар фақатгина содда гапларнинг структурасини мураккаблаштирувчи восита сифатидагина эмас, балки ўз-ўзини ҳам мураккаблаштирувчи восита сифатида қўлланиши мумкин экан. Натижада иловали элементларнинг маъно хусусиятлари ҳам маълум бўлақларининг, шунингдек, бутун содда гапларнинг маъно хусусиятларига қараганда устунроқ, ҳал қилувчи омилга айланади. Демак, бундай структуравий кенгайишга эга бўлган иловали элементларнинг маъноси, мазмуни биринчи даражали, содда гапларнинг мазмуни эса иккинчи даражали бўлиб қолгандек туюлади. Иловали элементларга хос бўлган бундай ҳолатни таъкидлаш мақсадида В.Г. Адмонинг куйидаги фикрини бу ерда келтириш ўринли деб ҳисоблаймиз: «Эргаш гапларга хос бўлган грамматик тобелик, уларнинг маъновий тобелигини билдирмайди. Аксинча, эргашган кўшма гаплар таркибида эргаш гапларнинг бош гапга нисбатан

билдириб келаётган маъно хусусиятлари асосий ва етакчи характерга эга бўлади, бундай вақтларда бош гаплар иккинчи даражали ёки ёрдамчи воситаларга айланиб қолади».

Ушбу тезисга асосланган ҳолда шу нарсани бу ерда алоҳида таъкидлаш лозимки, иловали элементларнинг маълум бўлакларга нисбатан билдириб келаётган қўшимча маъно хусусиятлари ҳам кўп ҳолларда асосий ва ҳал қилувчи характерга эга бўлади. Сабаб, иловали элементларнинг маъно хусусияти ёрдамида маълум бўлакларнинг маъно хусусиятлари фақатгина конкретлаштирилмай, балки у қайтадан тўлдирилади, аниқланади ва изоҳланади. Шунинг учун иловали элементларнинг маъноси В.Г. Адмони таъкидлаганидек, ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ушбу ҳолатнинг тасдиғи сифатида куйидаги мисол таҳлилига эътибор берайлик:

4. Nach dem Rat ihrer Minister und der Repräsentanten des Volkes überantwortete sie daher ihre würdigen und edeln Grafschaften zu Tirol und zu Görz, die Lande und Gegenden an der Etsch und das Inntal mit der Burg zu Tirol und mit allen anderen Burgen, Klausen, Städten, Tälern, Gebirgen, Märkten, Dörfern, Weilern, Lehen, Höfen, Vogteien, Gerichten, Münzen, Mauten, Zehenten, Zöllen, Zinsen, Steuern, Gefällen, Gehölzen, Gefinden, Wäldern, Huben, Weingärten, Äckern, Seen, fliessenden Wassern, Fischteichen, Wildbahnen, kurz ihr ganzes väterliches Erbe ihren lieben Vettern und nächsten Anverwandten, den Herzogen von Österreich.

4-рақамли мисолда намоён этилган ажратилган компонент 1,2,3-рақамли мисолларда келтирилган худди шундай компонентларнинг структуравий давомчиси сифатида юзага келиб, бир қатор хусусиятларга эга: биринчидан, у структуравий жиҳатдан

ниҳоятда мураккабланишган иловали элемент, унинг структуравий тузилиши ҳар қандай қўшма гапларнинг структуравий тузилишидан ҳам мураккаброқ; иккинчидан, иловали элемент функциясида келувчи компонентларнинг коммуникатив функциялари икки хил характерга эга: бир томондан улар маълум компонент функциясида келувчи “ihre würdigen und edelen Grafschaften zu Tirol und zu Görz” нинг маъно хусусиятларини ниҳоятда конкретлаштирса, иккинчи томондан эса, конкретлаштирувчи унсурларга хос бўлган бундай маънолар охириги иловали элемент, яъни kurz ihr ganz väterliches Erbe ihren lieben Vettern und nächsten Anverwandten - ёрдамида умумлаштиради. Демак, ажратилган гап бўлаклари ўз табиатига кўра маълум компонентларнинг маъносини конкретлаштириб, изоҳлаб, тўлдириб, аниқлаб келишлари билан бир қаторда, баъзи ҳолларда умумлаштириб ҳам келиши мумкин. Бу хил структуравий композицияга эга бўлган ажратилган гап бўлаклари билан маълум бўлақлар орасидаги синтактик алоқалар ҳам икки томонлама ифодаланади: синтактик воситалар ҳамда мазмуний муносабатлар ёрдамида.

Демак, 1,2,3,4-рақамли мисолларда келтирилган содда гаплар таркибидан трансформацион метод ёрдамида иловали элементларни чиқариб ташласак у ҳолда содда гапларнинг структуравий тузилишлари қуйидагича кўринишга эга бўлади:

1. Er hatte Jean-Jaques sehr gerne gehabt.
2. Er nannte sich Margraf zu Bradenburg und zu Lausitz.
3. In der Werkstatt fertigte Anna mit Hilfe der Kinder Geschenkartikel an.

4. Nach dem Rat ihrer Minister und der Repräsentanten des Volkes überantwortete sie daher ihre würdigen und edeln Grafschaften zu Tirol und zu Görz den Herzogen von Österreich.

Бу ерда ажратилган гап бўлақларидан озод бўлган содда гаплар намоёиш этилди. Ўз-ўзидан маълумки, иловали элементларсиз келувчи содда гаплар структуравий жиҳатдан ҳам ҳархил кўринишга эга бўлар экан. Биз юқорида келтирилган содда гапларни одатдаги ҳолатларига қайтаришда, биринчидан, трансформацион методнинг қонунқоидаларига, иккинчидан эса, йирик тилшунос олим Н.Ю. Шведованинг қуйидаги фикрига асосланишни ўринли деб ҳисоблаймиз: «Гапнинг структуравий шаклланиши учун зарурий бўлган компонентларни аниқламасдан туриб, унинг кенгайтирувчи воситалари ва бу воситалар орасида мавжуд бўлган тобе алоқалар ва уларнинг ички табиати тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас».

I боб бўйича хулоса

Тилшуносликда илова конструкция таркибида гап бўлақларининг ўрганилиши, уларнинг тутган ўрни ва аҳамияти масалалари тилшунос олимлар томонидан ўрганилиб, таҳлил қилиниб, мазкур тадқиқот ишларида билдирилган илмий фикр-мулоҳазаларга таянган ҳолда қуйидаги хулосаларни баён қилиш мумкин:

1. Илова конструкция таркибида гап бўлақларининг ўрганилиши турли тилларда турлича тадқиқ қилинган ва олимларнинг фикрларига кўра илмий хулосалар чиқарилган.

2. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, илова конструкция масалалари рус ва герман тилшунослигида нисбатан кўпроқ ўрганилган. Ушбу конструкцияларда гап бўлақларининг ўрни ҳам ўз ифодасини топган.

3. Шу ўринда олимлар В.Г.Адмони, Н.Ю.Шведова, Б.Т.Турсуновлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишларини алоҳида таъкидлаш лозим.

4. Н.Ю.Шведованинг таъкидлашича, илова конструкцияни тадқиқ қилишда таркибий компонентларни алоҳида ажратиб таҳлил қилиш ва шу асосда гап бўлақларининг иштирокини аниқлаш лозим.

5. Немис тилшунослигида проф. Б.Т.Турсунов томонидан амалга оширилган илмий изланишлар диққатга сазовордир. У немис тилида илова ҳодисаси, илова конструкциялар, иловали элементлар устида илмий тадқиқотлар олиб бориб, гап бўлақлари, жумладан, эга ва кесим, шунингдек, тўлдирувчи ва ҳолни ўрганиш ва бадий адабиётдан олинган кўплаб мисоллар таҳлилида илова конструкцияда гап бўлақларининг ўрни ва қўлланиши ҳақида ўз фикр мулоҳазаларини билдирган. Биз томонимиздан олиб борилган тадқиқот ва таҳлиллар Б.Т.Турсуновнинг бу соҳадаги фикрларини тўлиқ тасдиқлайди.

Иккинчи боб Немис тили иловали конструкциясида гап бўлакларининг ифодаланиши.

2.1. Илова конструкциясида ҳолнинг ўрни.

Мураккаб синтактик бутунлик асримизнинг 60-йилларига келиб синтаксиснинг текшириш объектига айланди. Бунгача ҳам йирик бирликлар ҳақида тилшуносликда айрим фикрлар айтилган эди. Бу ҳақдаги фикр дастлаб М.В.Ломоносовнинг “Риторика” асарида учрайди. Унда период ҳақида фикр юритилиб, унинг бир аъзоли период, кўп аъзоли период, периодлар бирлиги турлари кўрсатилиб ўтилади.

А.А.Потебня мураккаб синтактик бутунлик тушунчасини ифода қилиш учун “нутқ” терминини қўллайди.

Д.Н.Обеяънека- Куликовский мустақил гапларнинг - боғловчиси ёрдамида бирикиши ҳақида қимматли фикрларни билдиради. Кўринадик гапдан йирик бўлган бирликлар ўтмишда ҳам тилшуносларни қизиқтирган. Лекин мураккаб синтактик бутунлик тушунчаси ҳали шаклланмаган эди.

Рус тилшунослигида биринчи бўлиб А.М.Пешковский мураккаб синтактик бутунлик ритмомелодик томондан изоҳланиб, логик бутунлик сифатидагина қаралади, у тил формасига боғланмади.

Асримизнинг 30-40 йилларида А.А.Булаховский фразадан йирик бирликлар ҳақида кенг мулоҳаза юритади.

Лекин бу масала фанда ҳали шаклланмаганидан у фразаларнинг ташқи боғланиши ҳақида айрим фикрлар айтиш билан чегараланади. И.А.Фигуровский эса кўпроқ мустақил гаплар орасидаги логик алоқа ва унинг грамматик ифодаланишига тўхтаб ўтади.

Л.М.Лосева катта контекстда фразаларнинг ўзаробоғланиши, абзац структураси масалаларига тўхтаб, абзац- семантик –стилистик категория деб талқин этди.

Н.С.Поспелов мураккаб синтактик бутунлик масалалари бўйича махсус тадқиқот ишлари олиб борди.Натижада “ҳозирги замон рус тили тилида мураккаб синтактик бутунлик элементи сифатида ўрганилиш зарурлигини таъкидлаб ўтади.

Гапларнинг ўзаро боғлиқлиги ва сўзловчининг мураккаб ижодий фикр ифода қилишига бўлган эҳтиёжи махсус синтактик бирлик ҳосил қилишини айтади ва буни мураккаб синтактик бутунлик (Сложное синтактитическое услое) деб атади.

Мураккаб синтактик бутунлик масалаларига совет тилшуносларининг чет тиллар материаллари асосида ёзилган асарларида ҳам кенг ўрин берилган. Бунда В.Г.Адмони, Г.И.Сильман асарларини кўзда тутамиз масалан: В.Г.Адмони немис тили материаллари асосида гапдан йирикбирликлар ҳақида фикр юритилади. Одатда, ҳар қандай гап грамматик жиҳатдан структуравий тугаллиги билан характерланади. Бу эга ва кесим группаси ёки уларнинг бири (бир составли гапларда) орқали шаклланиб, интонацион бутунликка эга бўлади. Фикран эса контекстдан ажратиб олинган гап одатда тугал бўлмайди. Фақат нуткдагина у тугал фикр англашиши контекстга боғлиқдир.

Мураккаб синтактик бутунлик ўзига хос композицион тузилишга эга. Унинг компонентлари турли вазиятда бўлади. Одатда мураккаб синтактик бутунликнинг биринчи компоненти анча мустақиллиги билан бошқалардан фарқ қилади.Бу гап бошловчи ҳисобланиб мураккаб синтактик бутунликни ташкил қилувчи синтактик марказ вазифасини бажаради.Кейинги гаплар фикр ривожини ифода

қилади. Охирги гап эса тугалловчи вазифасини бажариб, кўпроқ хулоса, натижа, якун ифода қилади. Мураккаб синтактик бутунлик интонацион жиҳатдан ритмик – интонацион бутунлиги билан характерланади; бир мураккаб синтактик бутунликда, иккинчидан гаплар орасидаги паузага қараганда чўзиқроқ пауза билан ажралади.

Мураккаб синтактик бутунлик логик бутунликни ифода қилади. Одатда, боғланишли нутқдан ажратиб олинган ҳукм фикрни тўлиқ ифода этмайди. Ҳар бир ҳукмнинг диалектик табиати шундаки, у структура жиҳатидан тугал, фикрдан эса нотугал характерга эга бўлади. Фикр ривожини ўзаро боғлиқ бўлган ҳукмлар йиғиндиси орқали ифодаланади. Бунда ҳукмларнинг боғланиши ҳукм компонентларини такрорлаш орқали ифодаланади. Бу вақтда олдинги ҳукмдаги придикат кейинги ҳукмда субъект, кейинги ҳукмда придикат вазифасида келиши мумкин. Мана шу асосда фикрлар бир томонлама ривожланаётган логик бутунликка бирлашади. Бу ҳам хулоса каби фикр формасидир.

Иловали конструкция масаласи, совет тилшунослигида энг муҳим актуал масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу масала назарий томондан, даставвал рус тилшунослигида кўрилган. Рус тилшунослигидан иловали конструкция масаласини ўрганиш бошланганига анча бўлди. Бу мазкур мавзу бундан 33 йил олдин ўқув юрларининг программа ва дарсликларига киритилган. Бу соҳада В.В.Виноградов таҳрири остида чоп қилинган “грамматика русского языка” дарслигини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Иловали конструкциялар мавзуи(масаласини) бу дарсликнинг (1391-1410 § 1257дан 268 бетига) 1540 § (352-355) 1610 §, 1611§ (400-402)да келтирилган. Иловали конструкция тўғрисидаги масала, ҳам назарий, ҳам амалий томондан, биринчи марта С.Е.Крючков томонидан “О присоединительных связях в современном русском языке” мақоласида

тақлид қилинди. Ушбу мақолда келтирилган: “Он увидел дорожку. И побежал на этой дорожке. Они увидели молнию. И побежали домой” каби мисоллар иловали конструкцияларга хос бўлган мисоллардир. Юқорида баён қилинган мисоллар иловали конструкциялар бўлиб, оғзаки нутқ синтаксисни ёзма манбаидаги кўринишидир.

Бундай ҳодисалар, ҳар қандай кишининг, айниқса ўқувчи ва студентларнинг нутқида кўп учрайди.

Иловали конструкциялар тўғрисидаги масалани рус тилшунослигида, бошқа бир қатор омилларнинг монографик асарларида, катта илмий асарларида ва мақолаларида учратиш мумкин. Бу соҳада диққатга сазовор бўлган қуйидаги илмий асарларини мисол қилиб, кўрсатишингиз мумкин. Академик В.В.Виноградовнинг “Стиль Пушкина”, Поспесовнинг “Синтаксический строй стихотворное произведений. А.С.Пушкина”, Л.В.Щербанинг “Очастях речи в русском языке” каби асарларни кўрсатиш мумкин. Бу асарларда иловали конструкциялар фақат назарий планда эмас, балки амалий планда ҳам ёритиб берилган.

Рус тилшунослигида баён қилинган “иловали конструкциялар” тўғрисидаги фикрлар илмий, назарий амалиётга эга бўлиб, бошқа тилшунослик фанларининг тараққиёти процесси учун муҳим аҳамиятга эгадир. Айниқса Е.Е.Крючковнинг мақоласида чоп қилинган, илмий назарий мулоҳазалар, барча тилларда: немис тилида, инглиз, француз, ўзбек, тожик, қозоқ тилларида баъзи бир ҳодисаларни изоҳлаб беришда илмий назарий методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Рус тилшунослиги тажрибаси иловали конструкциялар масаласини бошқа тиллар мисолида ўрганиш учун барча шарт-шароитни яратиб берди.

Шунинг учун ҳам бу масала, барча, барча тиллар учун ҳам энг муҳим актуал масалалардан бири бўлиб қолмоқда бу соҳада энг ёрқин мисол қилиб доц. Турсунов Б.Т. билан Облоқулованинг 1982 йилда чоп қилинган “Библиографический указатель по вопросам сложного синтаксического целого присоединение парцеллирования” бўйича барча номзодлик диссертациялари, монографиялар, илмий мақолалар маълум тартибга келтириб чоп қилинган масалалар биз ўрганаётган масалани қайси тилда, қай даражада ўрганилаётгани тўғрисида маълумот беради.

Маълумки немис тилшунослиги тараққиётида унинг катта ҳиссаси бор. Уни немис тилшунослиги бўйича изоҳланган жуда кўп ҳодисалар баёнида кўрамиз.

Бундай мулоҳазалар ҳам илғор рус тилшунослиги ва бошқа тилшунос фанлар тажрибасига ҳозирги замон немис тили фактларига асосланади.

Иловали конструкциялар масаласи бўйича ҳам немис тилида бир мунча ишлар ишлар қилинган. Ўнга яқин кандидатлик диссертациялар шу нарсани кўрсатаптики, иловали конструкциялар масаласи ҳали ҳам унча тўлиқ ўзлаштирилмаган, кўп соҳалари ёритилмаган. Шунинг учун ҳам омиллар, бу соҳа бўйича катта-катта вазифалар туради.

Иловали конструкциялар одатдагидан ташқари тартибга эга бўлган “алоқалар” бўлиб, бу унинг ташқи белгиси ҳисобланади.

Функция эътибори билан эса улар сўзловчининг нутқидаги содда услубни, унинг оғзаки сўзлашувига хос хусусиятларини акс эттиради.

Шу сабабли бундай конструкцияларни текширишда уларга кўпроқ стилистика фани нуқтаи назаридан ёндашиб иш кўришга тўғри келади.

Стилистика тилдаги элементларни воситаларни нутқда қандай қўлланилиши ёки ёзувчининг бирон-бир фикрини ифодалашда тутган ўзига хос услуби ва маҳоратини ўрганадиган фан бўлиб, ўз навбатида бадий нутқ услуби, илмий характердаги нутқ стили, маълум касб эгаларининг нутқ стили, ўзаро ёзишмалар ва амалий идора ишларида қўлланадиган нутқ стили сингари соҳаларини ўз ичига олади.

Нутқ элементларини, тилдаги ҳар қандай воситаларни стилистика нуқтаи-назаридан ўрганиш масаласи уларни грамматик жиҳатдан ўрганишга зид қўймаслиги зарур. Чунки стилистика тил ҳақидаги фаннинг чуқурлаштирилиши натижасида грамматика билан бирга, унинг бевосита давоми сифатида шаклланиб келаётир. Шунинг учун ҳам кўпинча тилшунос олимлар тил фактларини грамматика жиҳатидан ўрганиши билан қўшиб олиб борадилар.

Иловали конструкцияларнинг хусусиятларини изоҳлашда, энг олдин уларнинг нутқдаги ўрни ва функциясини аниқлаш лозим. Сўнгра бундай алоқаларнинг структураси, ундаги қисмларнинг ўзаро муносабати ва грамматикада тутган ўрни белгиланиши лозим. Чунки одатдан ташқари “тартибга” бўлган бу конструкциялар, бирор стилистик вазифаларни бажаришга қаратилган бўлишидан ташқари, синтактик жиҳатидан ҳам ўз изоҳига эга бўлиши керак ва амалий томондан уларни қандай тушуниш лозимлиги конкретлаштирилиши лозим. Иловали конструкциялар мураккаб составга эга бўлган гаплар “иловали конструкция” дейилган шартли номдан ҳам англашиладики, бундай конструкцияларнинг номлари тартиби ва бир бутун эмас (интонация жиҳатидан), иловали конструкция тугал бир фикр англатиши характерига эга бўлган синтактик группа ёки умуман группалар ўзларига мазмун томонидан алоқадор бўлган айрим қисм ёки қисмларни эргаштириб қилади. Бошқача атганда, маълум

синтактик группалар ўзида ифода қилинган мазмунга илова тарзида айтилган қўшимча қисмни бириктиради. Натижада бир умумий фикрни англатадиган узун-узун алоқалар юзага келади.

Иловали конструкциянинг умумий кўриниши ва айрим хусусиятлари хақида тасаввурга эга бўлиши учун, уларнинг асосий қисмларидан бир неча намуналар келтирамиз.

1. Im Hauptlokal und in dem teuern. Nebenlokal bewarben sich viele darum mit ihr auszugchen. Feine kavalerie. (L.Feuchtwanger. Erholg s.82)

Бу келтирилган иловали конструкция икки қисмдан иборат. Биринчи қисм – асосий қисм, иккинчимиз – илова қисм. Сўзловчининг асосий фикри “Im Hauptlokal und in dem teuern. Nebenlokal bewarben sich viele darum mit ihr auszugchen” баён қилинган. Шунини ҳам қайд қилиш мумкинки, иловали қисм асосий қисмнинг мазмунини тўлдириб, конкретлаштириб келиши мумкин.

Шунинг учун ҳам илова қилинган сўнги қисм, олдинги етакчи англашилмаган фикрга қўшимча изоҳ келтириб, у қиз билан бирга келишга истак билдирган кишиларни аниқлаб келади. Яъни иловали элемент “Feine kavalerie” асосий қисмнинг аниқ бир бўлагини, яъни viele- сўзини конкретлаштириб келади. Агар юқорида келтирилган бир бутун илова конструкция, оддий конструкция ёрдамида берилганда эди, у ҳолда бу конструкция составидан бирон-бир муҳим маънога эга бўлган бўлакни ажратиш қийинроқ бўлар эди.

Юқорида келтирилган иловали конструкция структура ва семантик жиҳатдан анализ қилганимизда қуйидагича хулосага келишимиз мумкин. Бу ерда иловали элемент ўртасидаги алоқа улардан кесимнинг умумийлиги билан ифодаланади.

Маъно томонидан эса иловали элемент ўзининг бу конструкция составида бажарадиган функциясига қараб, асосий қисмининг мазмунини бутунлай ёки уни бирор бўлагини аниқлаб тўлдириб, конкретлаштириб келади.

Иловали конструкциялар айниқса бадиий адабиётда персонажларнинг содда нутқ услубини кўрсатиш учун қўлланилади.

Иловали конструкция асонан таржима асарларида кенг қўлланилади.

Ҳозирги кунда бундай алоқалардан фойдаланиш кенг тус олган. Роман, ҳикояларда шунингдек газета журналларда иловали конструкция фикрнинг содда жонли тарзда ифодаланишнинг махсус йўли сифатида оммалашиб бораётир.

Умуман нутқдаги, айниқса предметлар тилидан табиийлик, оригиналлик ва оғзаки сўзлашувга хос соддалигини очиб беришда иловали конструкциядан фойдаланиш, бадиий асар автори учун жуда кўл келадиган имкониятлардан биридир.

Иловали конструкциянинг қўлланиши ёзма нутқдагига қараганда сўзлашув тилида эркинроқ ва кенгрокдир. Оғзаки сўзлашиш жараёнида илова қисмининг маъноси кўпинча сўзловчининг бошига тўсатдан келиб қолган фикр тусини олади. Бу фикр одатдаги олдинги бириктирувчи қисмларнинг ифодасидан кейин, маълум тўхталишдан сўнг қўшиб қўйилади. Шунини хам айтиш керакки, илова қисмлардан англашиладиган қўшимча фикр сўзловчида ҳамма вақт асосий (етакчи) қисмларни айтиши давомида ёки уни айтиб бўлгандан кейин пайдо бўлавермайди. Шунингдек бу қисмининг мазмунини сўзловчи нуқтаи назаридан қандайдир аҳамиятсиз.

Агар биз кишиларнинг ўзаро жонли суҳбатидан ёки бадиий асарларда учрайдиган айрим иловали конструкцияларнинг таркибини

ўша нутқ сўзлаётган шароит билан боғлаган ҳолда текширсак, бундай алоқаларнинг илова қисмида маълум мақсад билан атайлаб ажратиб кўрсатилган муҳим фикрлар борлигин сезамиз. Бундай ҳолларда илова қисмдаги фикр маълум мақсад билан олдиндан пухта ўйлаб айтилганлиги кўринади ундаги фикр сўзловчининг хатто, утакчи фикри эканлигини равшанлаштиради ва уни сўзловчи тассавурида фавқулодда олдинги қисмларнинг ифодаси давомида юзага келган қандайдир тасодифий фикр деб ҳисоблашга ҳеч қандай асос қолмади.

Фикрни баён қилиш жараёнида сўзловчи баъзан ифоданинг ўзи ёки тингловчи учун аҳамиятга эга бўлган қисмини такрорлайди ва уни илова йшли билан алоҳида таъкидлаб кўрсатади.

Er erzählte von seinem Streit mit Kospar, pröckl, lächelnd, freundschaftlich Erzählte, sich Selber, ironi Sierend, von den wohlen, da seine Polt ihm die welt ersetzte. (L.F.Erfolg S. 449).

Илова конструкцияларни фақатпрозаик асарлардагина эмас, шеърятда, газета ва журналларда илмий илмий оммабоп асарларда кўплаб учратиш мумкин.

2.2. Ҳол формасида ифодаланган элементлар.

Иловали конструкциянинг ўрганишини ҳам назарий ҳам амалий аҳамияти каттадир. Чунки бу масала жуда кўплаб тилшунос олимларнинг диққат эътиборини жалб қилмоқда. Иловали конструкциялар масаласи ҳам структуравий, ҳам семантик ва стилистик томондан ўрганилиб, ҳар хил талқин қилинмоқда.

Иловали конструкция масаласи бу биринчидан стилистик масаладир. Шунинг учун ҳам кўпгина тилшунос олимлар, унинг ана шу томонини ўрганиб, структуравий ва маъно хусусиятини четда қолдирмоқда, бироқ бу масала ҳамма томонлама ўрганилгандау тўғрисида тўлиқ маълумот олиш мумкин бўлар эди. Магистрлик ишининг асосий моҳияти ҳозирги замон немис тилида ҳол формасида ифодаланган иловали конструкциянинг структуравий ва маъно хусусиятини акс эттириш билан боғланган.

Чунки биргина диплом ишида иловали конструкцияларнинг юқорида қайд этилган ҳамма аспектларни акс эттириш мамақсадга мувофиқ бўлмайди, агарда унинг стилистик томонини ҳам ўрганадиган бўлсак, у ҳолда бизлар унинг структуравий ва маъно хусусиятига ҳам эътибор бўлган бўламиз.

Бу ерда ҳол формасида келган иловали конструкцияларнинг структуравий ва маъно ҳолатига кўпроқ эътибор берамиз. Бу мақсадни амалга ошириш учун, энг авалло иловали конструкцияга таъриф берсакда, кейинчалик мақсадга ўтсак. Маълумки совет тилшунослик фанида иловали конструкцияларга жуда кўп хилма-хил таърифлар берилган, ёки унинг туб моҳиятини ечишга ҳаракат қилинган. Бироқ иловали конструкцияларнинг туб моҳиятини ечишдан ҳаракатлар ҳам ҳар хил бўлган.

Масалан, бу ерда О.П.Жданова томонидан иловали конструкцияга нисбатан берилган таърифни келтирайлик. У киши синтактик алоқалар ўртасида иловали алоқанинг тутган ўрни рус “О месте присоединительной связи в ряду синтаксических отношений.” мақоласида шундай ёзган: “И так, присоединительными конструкциями мы называем такие синтаксические структуры где к законченному предложению присоединяется синтаксическая и коммуникативно несамостоятельная часть которая по отношению к составу этого предложения является или его главным членом, дополнением, обстоятельством или же осложняющей конструкцией”. (1. Жданова О.П. о месте присоединительной связи в ряду синтаксических отношений ст. 142-143.)

Бу таърифнинг мазмунини шубҳасиз шундай тушуниш мумкин: иловали конструкциялар деб шундай синтактик бирликка айтиладики, бу бирлик доимо иккала муҳим компонентлар мураккаб синтактик ва маъно томонидан алоқада бўлади.

Бу компонентларнинг биринчи қисми шартли равишда асосий ифода деб: иккинчи қисми эса иловали элемент деб аталади. Иловали конструкцияларнинг структуравий типлари яъни содда ва мураккаб бўлишлиги, ана шу асосий ифоданинг составига кирувчи иловали элементларнинг сонига қараб белгиланади: агарда асосий ифода таркибига кирувчи иловали элементларнинг сони бирдан ошмаса, бундай иловали конструкциялар содда иловали конструкциялар дейилади.

Агарда асосий ифода таркибига кирувчи иловали элементларнинг сони икки ва ундан ортиқроқ бўлса, бундай иловали конструкциялар деб аталади.

Иловали элементларнинг асосий ифодага қандай йўл билан бирикиши жиҳатидан иловали конструкциялар икки типга ажраладилар:

1. Бириктирувчи воситалар ёрдамида бириккан иловали элементлар;
2. Бириктирувчи воситаларсиз – интонация орқали бириккан иловали элементлар.

Биринчи типда иловали конструкцияларнинг компонентлари орасидаги синтактик алоқаларни амалга оширишда бириктирувчи воситалар хизмат қилади. Ана шу бириктирувчи воситалар функциясида боғловчилар вазифасида келувчи айрим сўзлар келади.

Иккинчи тилда асосий ифода билан иловали элементлар ўртасидаги синтактик алоқалар бириктирувчи воситаларсиз, яъни интонация йўли билан амалга ошади. Иловали конструкцияларда, иловали элементлар бириктирувчи воситаларсиз бирикканида, улар кўпинча мустақил гап шаклида бўлади.

Бироқ мазмунан бу каби иловали элементлар асосий ифода билан биргаликда ўзаро яхлит бир умумий фикрни англатишга қаратилган бўлади ва иловали элемент талаффуз текис интонация билан айтилади.

Худди ана шундай хусусиятларга биз бу ерда анализ қиладиган ҳол формасида келувчи иловали конструкциялар эгадир.

Ҳол формасида келувчи иловали конструкцияларнинг структуравий ва семантик хусусиятларини ўрганишида, ҳозирги замон немис ёзувчиларининг бадиий асарлари асосида тўпланган мисолларга амал қиламиз. Биз олиб борган кўрсатувлар ҳозирги замон немис адабий тилида ҳол формасида келувчи иловали конструкцияларнинг ниҳоятда кўплиги ва уларнинг структуравий жиҳатдан хилмахиллигини тасдиқламоқда.

Ҳол формасида ифодаланган иловали конструкцияларнинг структуравий ва маъно хусусиятларини кўриб чиқайлик.

Маълумки ҳоллар ҳам иловали конструкцияда билдириб келган маъно хусусиятлари билан бир неча структуравий типларни ташкил этади.

Ана шу структуравий типларни алоҳида-алоҳида кўриб чиқамиз.

а) Ўрин-жой ва йўналиш маъноларига эга бўлган иловали элементлар:

1. Der Haupt Sender vom zweiten Stoch hatte gesagt, wenn jetzt er hausherr sei, dann könnte endlich einmal den Abort richten, lassen Lechner hatte erwiedert, der HaurtSender sollte ihre nicht Schwach anreden, und der Hauptseneder, (der ausgeschämte Hund) halte den Zechner Schließlich hinausgeschmissen. In seinem eigenen Haus. (L. Feuchtwanger Erfolg, s. 416)

2. Auf der Bett Seite unfer Glashing ein Bild Stalins, das Thomas nicht kannte. In dem verschlag unter der Treppe, in dem er lange mit Robert Lohse gehaust hatte waren mehrere photographien und Zeitungsbilder mit Reißnägeln an den unregelmäßigen Wänder befestigt gewesen. Aus Spanien, aus Frankreich.

(A.Seghers. Das vertrauen. S37)

Юқорида келтирилган мисоллар кўпинча иловали элементлар асосий ифоданинг бирон бир бўлагини бўлагини аниқлашб тўлдириш ва изоҳлаб бериш учун ҳосил бўлади деган фикримизни тасдиқламоқда. Ҳақиқатан ҳам, “in seinem eingenen haus” ва “aus Spanien”, “aus krankreich” иловали элементлари асосий ифодага тагига чизилган гап бўлакларига аниқлик киритиш, тўлдириш, уларга қўшимча маъно бериш учун учун вужудга келган. Бу билан ана шу нарсани тасдиқлаш мумкинки, иловали элементлар фақатгина асосий

ифода ҳам структуравий, ҳам маъно томонидан мустақиллик хусусиятига эга бўлганида пайдо бўлиши мумкин деган ғояни тасдиқлаб келмоқда.

Чунки бу иккала иловали элементни чиқариб ташлашсак, асосий ифодамиз одий мураккаб эргашган кўшма гап шаклига эга бўлиб қолади. Лекин бу мураккаб эргашган гап составидаги баъзи бир бўлақларга аниқсизлик киритилмайди.

Масалан, иккинчи гапимиздаги, деворда осилган фотосуратлар осифлик турибди, лекин бу фотоларнинг қаердан чиққанлиги аниқланмай қолади. Агарда бу гап таркибига “aus Spanien: aus Frankreich” иловали элементни киритсак: биринчидан эргаш гапли мураккаб гапнинг структураси бузилиб, илова конструкция формасига ўтади; иккинчидан аниқланмаган мазмунга қўшимча маъно киритилиб, у тўлдирилади, аниқланади.

Бундай иловали конструкцияларда, иловали элементлар баъзи бир гап бўлагининг талаби билан ҳосил бўлсада, бироқ асосий ифода билан иловали элемент ўртасидаги синтактик алоқалар бош бўлақларнинг бирлиги воситасида тикланиши мумкин. Лекин синтактик алоқани ўрганишда, шу иловали элементларни келтириб чиқарувчи айрим элементлар иштирок этиши ҳам мумкин.

Масалан биринчи мисолимизда, “hatte hinausgeschmissen”, яъни чиқарилиб юборилди ёки йўқ қилинди сўз бирикмаси тўғридан тўғри воқеанинг содир бўлган жойини аниқлашни талаб қилади. Бу нарсага аниқлик киритиш учун “in seinem eigenen haus” иловали элемент пайдо бўлади.

Бундай ҳодисаларни куйидаги мисолларда ҳам кўриш мумкин.

3. Inhanteristen trabten mit klappernden Maschinengewehren und Minitionskästen nach vorn. Kurze Zeit Später preschte der schwere

geländewagen des generals vorbei. Nach Westen. (B.Brecht. Dreigroschenroman s. 423).

4. Er richtet den Lichtstrahl seitwärts ins Gebüsch.

Woter kommt du?

Aus Angerhusen (F.Walter. Ein Katzensprung S. 132)

Пайт маъносига эга бўлган иловали элементлар:

5. Wohlverhamton blieb Stehen

Also gut, wir warden darüber reden.

Aber jetzt nicht, und hiir nicht.

Meine Gattin und mein Sohn bedürren der Ruhe. Kommen Sie morgen früh zei wir.

Zwieschen neun und zehn.

(K.Karl Heinz. Das Gespenst von Black Rose Gastle, S.105).

6. Claudia Sanden war nun ganz ruhig. „Im Juli werden Eber hard Baum und ich herraten. In diesem Juli!“ (B.Brecht. Dreigroschenroman, S.151).

7. Da trat er auf die straße. Eine Gekunde zu früh. (B.Brecht. Dreigroschenroman, S.169).

8. In diesem augenblick ist meine Offizier Sehre zum Teufel gegangen. Oder sogar Schon früher. (B.Brecht. Dreigroschenroman, S.491).

Келтирилган мисолларимизда 6 мисол қолганларидан ўзига хос хусусиятга эга бўлганлиги билан қарқ қилади, чунки бу ерда иловали элемент составида, асосий ифоданинг таркибида келган “im Juli” сўз бирикмаси қисман аниқлик киритиш билан такрорланиб келган.

8 мисолимизда келган иловали конструкцияда асосий ифода билан иловали элемент ўртасидаги синтактик алоқанинг амалга

оширишда, бириктирувчи воситаларсиз конструкцияда “oder” боғловчиси бу вазифани амалга оширади.

b) миқдор ва даража формасида келувчи иловали элемент:

9. In der ersten geöffneten Gaststätte der acht Kilometer entfernten Stadt bleibt er hängen und trinkt Bier. Ruhig und langsam Glas auf Glas (F. Walter. Ein Katzensprung S.22).

Миқдор ва даража формасида келган иловали элементнинг асосий вазифаси, асосий ифодада иш-ҳаракатнинг қай даражада содир бўлишини кўрсатиб, унинг бирор бўлагини аниқлаб тўлдириб келади. Шу нарсани қайд қилишга тўғри келадиким, иловали элементлар, асосий ифоданинг бутунлай мазмунини аниқлаш тўлдириш учун хизмат қилади. Бу конструкцияда иловали элемент асосий қисмнинг охириги бўлагини яъни “und trinkt Bier” компонентини аниқлаб келиб, бу процесда унинг винони шошмасдан ичганлиги . стаканларнинг аста-секин бирин-кетин бўшатганлигини тасвирлаб берилган энг муҳим, бу иловали конструкцияда асосий ифода билан иловали элемент ўртасида синтактик алоқанинг ўрнатилишидир. Бу алоқа “trinken” сўзи орқали амалга ошади. Бундай сўзлар, контакт сўзлари ёки бириктирувчи восита ҳам деб юритилади.

Бундай ҳодисаларнинг кейинги мисолларимизда ҳам кўриш мумкин.

10. Ich habe gegah, wir könnten die Couch Schwarz und die Seshe rot überziehen lassen. Oder umgekehrt. (W.Steinberger, Wasser aus trockenen Brunnen, S.347.)

Бу мисолимизда иловали конструкцияда асосий ифода билан иловали элемент бир хил структуравий ҳажмга эга эмас. Бу фикр асосий ифода билан иловали элемент, ҳамма вақт бир хил структурага эга бўлмаслиги мумкин деган ғояни тасдиқлаб келди. Албатта бундай

ҳолни фақатгина шу мисол асосида эмас, балки бошқа мисоллар асосида ҳам кўриш мумкин. Бу иловали конструкциянинг олдинги иловали конструкциянинг олдинги иловали конструкциядан фарқи шуки, бу ерда иловали элемент асосий ифода билан махсус бириктирувчи восита орқали боғланган. Бундай функцияни “oder” бажариб келади. Шуниси қизиқки иловали элемент асосий ифода таркибидаги “Schwarz” ва “rot” сифатларининг, бири иккинчисининг ўрнига келишлиги тасвирланади, шу билан асосий ифоданинг мазмуни аниқланади, тўлдирилади.

Баъзи ҳолларда иловали элементлар асосий ифодада унда англашган иш-харакатни қай ҳолда содир бўлишини кўрсатиб келиши мумкин.

12) Sie kane mit Froschen und Pilzen Heine da Stand vor ihr ein unbekannter Mensch. Bartlos und Hager. (Marianne Bruns. Die Zichtung, S.105).

13. Er Schrieb, rauchte, die zigarre ging aus, er schrieb Sachlich, nüchtern, eifrig, hofnunglos. (L.Feuchtwangen Erfolg. S. 68)

Иловали конструкцияда иловали элемент ўзига хос структурага эгадир. Иловали элементнинг бундай структураси, гапларнинг уюшиқ бўлақларидан иборат, яъни анализ қилаётган иловали конструкцияда иловали элемент бир хил гап бўлагидан иборат, яъни миқдор ва даража ҳоли формасида ифодаланган. Улар ягона иловали элемент структураси шаклида ифодаланишидан қатъий назар асосий ифоданинг сўнги компонентини аниқлаб, изоҳлаб, тўдириб келган.

Иловали конструкциянинг компонентлар орасидаги синтактик алоқалар, бириктирувчи восита сифатида келувчи “Schrieben” контактли сўз орқали амалга ошади. Иловали элементлар ҳол

формасида келганида, синтактик алоқа, асосий ифода составида келувчи бош бўлақларнинг бирлиги асосида амалга амалга оширилади.

Юқоридаги конструкция составидан “er schrieb” моделини олсак, юқорида келтирилган фикримизнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қиламиз. Ҳақиқатан ҳам шу модель бирлиги асосий ифода билан иловали элемент ўртасидаги алоқани ўрганишда ёрдам беради.

Юқоридаги иловали конструкциядан, қуйидаги иловали конструкция шу билан фарқ қиладики: биринчидан иловали элемент компонентлари бир-биридан махсус бириктирувчи восита орқали боғланган; бу функцияни “und” бажариб келади; иккинчидан иловали элемент асосий ифодадаги “ging” ҳолига тегишлидир.

Масалан:

14. Sein kälterfrisches Gesicht sah jung aus im Schnee. Nicht mehr kranklich und ältlich. (A. Segheres, Das Vertrauen, S.88)

Демак иловали элементнинг мазмуни, асосий ифода компонентига қарама-қарши қўйилган. Демак бу ерда ҳам асосий ифода билан иловали элемент орасидаги синтактик алоқалар, бош бўлақларнинг бирлиги асосида амалга ошади. “Ausschen” сўзи ҳам муруккаб синтактик бутунликнинг компонентларнинг бўлиши асосий ифода билан иловали элементлар ўртасида синтактик алоқаларни ўрганишда муҳим роль ўйнайди.

Яъни иловали элемент ана шу ausschen сўзининг талаби билан юзага келади.

Ҳол формасида ифодалаган иловали элементлар ҳам, ҳозирги замон немис адабий тилида кўп тарқалган. Лекин уларнинг типлари бу билан чегараланиб қолмайди. Уларнинг типлари хилма-хилдир.

II боб бўйича хулоса

Иловали конструкция масаласи бу биринчидан стилистик масаладир. Шунинг учун ҳам кўпгина тилшунос олимлар, унинг ана шу томонини ўрганиб, структуравий ва маъно хусусиятини четда қолдирмоқда, бироқ бу масала ҳамма томонлама ўрганилгандау тўғрисида тўлиқ маълумот олиш мумкин бўлар эди. Магистрлик ишининг асосий моҳияти ҳозирги замон немис тилида ҳол формасида ифодаланган иловали конструкциянинг структуравий ва маъно хусусиятини акс эттириш билан боғланган.

Иловали конструкцияда иловали элемент ўзига хос структурага эгадир. Иловали элементнинг бундай структураси, гапларнинг уюшиқ бўлақларидан иборат, яъни анализ қилаётган иловали конструкцияда иловали элемент бир хил гап бўлагидан иборат, яъни миқдор ва даража ҳоли формасида ифодаланган. Улар ягона иловали элемент структураси шаклида ифодаланишидан қатъий назар асосий ифоданинг сўнги компонентини аниқлаб, изоҳлаб, тўдириб келган.

Иловали конструкциянинг компонентлар орасидаги синтактик алоқалар, бириктирувчи восита сифатида келувчи “Schrieben” контактли сўз орқали амалга ошади. Иловали элементлар ҳол формасида келганида, синтактик алоқа, асосий ифода составида келувчи бош бўлақларнинг бирлиги асосида амалга оширилади.

Юқоридаги конструкция составидан “er schrieb” моделини олсак, юқорида келтирилган фикримизнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қиламиз. Ҳақиқатан ҳам шу модель бирлиги асосий ифода билан иловали элемент ўртасидаги алоқани ўрганишда ёрдам беради.

Юқоридаги иловали конструкциядан, қуйидаги иловали конструкция шу билан фарқ қиладики: биринчидан иловали элемент компонентлари бир-биридан махсус бириктирувчи восита орқали

боғланган; бу функцияни “und” бажариб келади; иккинчидан иловали элемент асосий ифодадаги “ging” ҳолига тегишлидир.

Учинчи боб

Немис тили иловали конструкциясида тўлдирувчининг ифодаланиши

3.1. Тўлдирувчи иловали элемент функциясида

Тўғридан-тўғри датив келишигида ифодаланиб келувчи иловали элементлар ҳам худди аккузатив келишигида ифодаланиб келувчи иловали элементлардек ўзининг мазмуни, мантикий урғуси, оҳанги ва тўхтамига эга бўлади. Иловали элементнинг оҳанги оддий гап бўлакларнинг оҳангига ўхшамайди, иловали элемент алоҳида пасайган (баъзан кўтарилган) оҳанг билан талаффуз этилади. Одатда, иловали элементдан олдин келган изоҳланаётган сўз ва сўз бирикмаларида оҳанг кўтарилади, иловали элементда пасаяди, чунки у постпозиция ҳолатида туради. Иловали элемент ўзига хос семантик функцияни бажаради. Бу функция шундан иборатки, илова орқали маълум бўлакнинг маъноси бўрттириб кўрсатилади. Иловали элементнинг маъно хусусияти бу билан чекланмайди, иловали элемент орқали, бошқа кўшимча маънолар ҳам ифодаланади. Иловали элементлар томонидан билдирилаётган кўшимча маънолар ўз навбатида маъновий нозикликларни ҳам ифодалайди. Демак, илова ҳодисаси туфайли иловали элементларга хос бўлган энг муҳим хусусият, бу улар томонидан ифодаланаётган кўшимча маънодир. Иловали элементлар билан маълум бўлаклар ўртасида синтактик алоқалар ҳам мавжуд.

Энди ажратилган гап бўлакларига хос бўлган бундай хусусиятларнинг ифодаланиш усулларини датив келишигида ифодаланиб келувчи иловали элементлар намуналарида кузатиб борамиз. Фикримизнинг исботи сифатида қуйидаги мисолларни бу ерда кўрсатиб ўтамиз.

1. Besonders übel spielte er dem Stadtrat Reitberger mit, einer populären Persönlichkeit.

2. Der alte Schnellhammer hatte die Werke seinen Kindern hinterlassen, zwei Söhnen und einer Tochter.

3. Nur zwei Menschen misstraute er nicht, seiner Pflegemutter und seinem Lehrer.

4. Er sollte der Gemeinschaft gehören, den Klubs, den Parteien, dem Sport (8, 93).

5. Das verdankte sie der schwedischen Luft, dem Sport und dem ständigen Frieden.

Энди 1,2,3,4,5-рақамли мисолларда кўрсатиб ўтилган датив келишигида ифодаланиб келувчи иловали элементларга хос бўлган хусусиятларни изоҳлаб беришга ўтайлик. Уларга хос бўлган хусусиятлардан бири бу иловали элементларнинг ёлғиз ҳолда эмас, балки кенгайтирилган ҳолда келишидир. Уларнинг структуравий кенгайиши ҳам бир хил эмас. Масалан 1-рақамли мисолдаги иловали элемент аниқловчи ёрдамида кенгайтирилган бўлса, қолган рақамли мисолларда кўрсатиб ўтилган иловали элементларнинг кенгайиши гапнинг уюшиқ бўлаклари ҳисобидан кенгайтирилган. 2,3-рақамли мисолларда баён этилган иловали элементлар ўзларига хос баъзи бир хусусиятлари билан бошқа рақамли мисолларда келтирилган худди шундай иловали элементлардан фарқ қилади, бу фарқ иловали элементларни ташкил этувчи компонентларнинг бир-бирлари билан und боғловчиси билан боғланганлигидир. Иловали элементларни ташкил қилувчи компонентлар орасида und боғловчисининг келиши, ҳар бир компонентнинг ўзи ҳам алоҳида иловали элемент функциясида кела олишлигини таъкидламоқда. Худди шундай хусусиятга 4,5-

рақамли мисолларда келган иловали элементларнинг компонентлари ҳам эга, чунки уларнинг ҳар бири ўз тўхтамига ва шу билан бирга оҳангига эга. Бундай хусусиятлар уларга ҳам алоҳида ажратилган гап бўлаги функциясида келишлари учун имконият яратади. Уларга хос бўлган яна бир хусусиятга тўхталамиз. Уларга хос бўлган бундай хусусиятни қуйидагича изоҳлаш мумкин. 1-рақамли мисолдаги иловали элемент маълум бўлакка нисбатан маълум даражада нисбий мустақилликка эга бўлса, 2,3,4,5-рақамли мисолларда намойиш этилган иловали элементларга хос бўлган бундай мустақиллик яна ҳам бошқачароқ табиатга эга, у ҳам бўлса иловали элементлар ўзлари бевосита боғлиқ бўлган компонентга нисбатан нисбий мустақилликка эга бўлса, ана шу иловали элементларнинг ташкил этувчи компонентлари ҳам бир-бирларига нисбатан нисбий мустақилликка эга бўлишади, шунинг учун ҳам улар алоҳида-алоҳида иловали элемент функциясида кела олишлари мумкин. Бу ерда келтирилган иловали элементларга хос бўлган хусусиятлардан яна бири-бу иловали элементларнинг маълум бўлақларга нисбатан ёнма-ён (1,2,4,5) ва маълум масофада (3) туриши. Маълум бўлақлар билан иловали элементлар ўртасидаги синтактик алоқа кесимнинг умумийлиги билан ифодаланади. Иловали элементларнинг мазмуни орқали маълум бўлақларнинг мазмуни конкретлаштирилади, тўлдирилади, изоҳланади ва аниқланади. Бироқ 4-рақамли мисолда келтирилган иловали элементнинг мазмуни орқали маълум бўлакнинг мазмуни умумийлаштирилади.

Иловали элементларга хос бўлган бундай хусусиятлар қуйидаги мисоллар таҳлилида янада тўлдирилиши мумкин:

6. Unter seinem Blick dankte eine Frau im stillen ihrem Schneider für den guten Sitz ihres Kleides, dem Friseur für den natürlichen Fall ihres Haars und der Kosmetikerin für den Tip eines dezenten Make-up.

7. Die Bank gehört nicht uns, sondern der kleinen Talk.

8. Sie gehören der Reedefirma Brookley, der Art Reederei von der Stange .

9. Dem größeren, einem stämmigen Burschen mit dunkeln Kinnbart, wäre Herbert am liebsten gefolgt.

10. Corinna ging, ähnlich dem Vater, von Auge und Hand aus.

11. Sie tragen nur den Vornamen, gleich dem König.

1,2,3,4,5-рақамли мисоллардаги иловали элементларга хос бўлган хусусиятларни бу ерда такрорламасдан, уларни тўлдириш мақсадида 6,7,8,9,10,11-рақамли мисолларда намойиш этилган иловали элементларга хос хусусиятларни изоҳлашга ўтайлик. Ўз-ўзидан маълум бўлишича, ушбу ажратилган гап бўлаклари худди шундай ажратилган гап бўлакларига хос бўлган хусусиятлардан ташқари бошқачароқ хусусиятларга ҳам эга. Биз ана шу хусусиятларни алоҳида таъкидлаб ўтамиз. Бу хусусиятлар қуйидагича: масалан, 6-рақамли мисолдаги иловали элемент ўзи бевосита боғлиқ бўлган компонентсиз юзага келган, унинг мазмуни алоҳида олинган компонентнинг мазмунини эмас, аксинча, бутун гапнинг мазмунини тўлдириб, конкретлаштириб келаяпти; ушбу иловали элемент 7,8,9,10,11-рақамли мисолларда баён қилинган худди шундай иловали элементлардан структурасининг кенгайиши жиҳатидан ҳам кескин фарқ қилади, сабаби унинг таркибида бир-бири und боғловчиси билан боғланиб келган иккита мустақил ажратилган компонент мавжуд; 10,11-рақамли мисолларда келтирилган ажратилган компонентлар бир жиҳатдан 6-рақамли

мисолдаги ажратилган компонентга яқин турса, қолган хусусиятлари билан ундан ва қолган иловали элементлардан кескин фарқ қилади. Уларнинг яқинлиги бутун гапнинг мазмунини ифодалаш билан амалга ошса, фарқи эса иловали элементлар феъл-кесим билан эмас, балки лексик бирликлар билан бошқарилади.

Тўғридан-тўғри датив келишигида ифодаланиб келувчи иловали элементларга хос бўлган бундай хусусиятлар тўғридан-тўғри генитив келишигида ифодаланиб келувчи иловали элементлар таркибида кенгайтирилиши ва тўлдирилиши мумкин.

II. -Zu- кўмакчиси ёрдамида ҳосил бўлган иловали элементлар:

28. Er ging hinüber, zu Ilse.

29. Aber er lässt mich auch mal :nen Entwurf machen, zur Probe natürlich.

30. Eigentlich will er sofort heim, zu Friedrich Kunze.

31. Sie fahren bis in die Magdeburger Börde und in die Uckermark, zu Onkel Fritz und den anderen Verwandten.

32. Sie war zu ihrem Schwager geflohen, dem König von England.

33. Mit einem Schlag avancierte die schöne Charlotte zur ersten Schauspielerin, ersten Tänzerin und ersten Sängerin, etwas viel auf einmal.

-Zu- кўмакчиси ёрдамида келган ажратилган компонентларга хос бўлган иккита хусусиятни алоҳида таъкидлаш лозим: биринчидан, унинг кўшимча маъноси кўп ҳолларда гапнинг бутунлай мазмунини ажратиб кўрсатишга қаратилган; иккинчидан, 29-рақамли мисолдаги ажратилган бирикма таркибида келган -natürlich -модал сўзининг инверсия ҳолатида туришидир. Қолган барча ҳолатларда -zu-

кўмакчиси билан келган ажратилган бирикмалар худди шундай бирикмаларга хос бўлган хусусиятларни такрорлаб келади.

IV. -An, -aus, - bei, -nach, - neben, -vor кўмакчилари ёрдамида ҳосил бўлган ажратилган бирикмалар:

34. Sie sind doch nicht an mir interessiert, sondern an Jean -Jacques.

35. Sie liess sich Einzelheiten aus der Heimat erzählen, aus dem täglichen Leben des Vaters.

36. Liesel wohnte um diese Zeit in derselben Stadt bei einem alten Freund Kempffs, Hermann Lange.

37. Nach Titel, Stellung oder Namen fragte sie nicht, schon gar nicht nach Geld.

38. Ein gutes Dutzend Bücher stand griffbereit, neben Romanen Essays und Jugendbücher, sogar Utopisches.

39. Drinnen knieten Ludwig und Margarete vor den pästlichen Kommissaren, dem Bischof Paul von Freising und dem Abt Peter von Sankt Lamprecht.

Датив келишигини талаб қилувчи кўмакчилар ёрдамида ҳосил бўлган Иловали элементларнинг структуравий тузилишини изоҳлаш натижасида аниқланган ва уларга хос бўлган хусусиятлар генитив келишигини талаб қилувчи кўмакчилар ёрдамида ҳосил бўлган ажратилган бирикмалар тартибида такрорланиши ва янгича кўринишларга эга бўлиши мумкин.

III. Генитив келишигини талаб қилувчи кўмакчилар ёрдамида ҳосил бўлган ажратилган бирикмалар:

Генитив келишигини талаб қилувчи кўмакчиларнинг ҳаммаси ҳам иловали элементларнинг функцияларида кела олмасликлари мумкин. Бошқача қилиб айтганда, улар ажратилган компонентлар функциясида қўллана олмайди. Биз ўрганган матнлар устида олиб борган

кузатишлар шуни кўрсатадики, генитив келишигини талаб қилувчи кўмакчилардан фақат атига иккитаси, яъни у ҳам бўлса, -trotz ва –wegen кўмакчилари иловали элементларни бошқариб кела олишлари мумкин ёки улар ёрдамида иловали элементлар юзага келади. Энди ана шу кўмакчилар ёрдамида ифодаланиб келган иловали элементларнинг структуравий тузилиши, маъновий вазифалари, шунингдек, маълум компонентларга нисбатан бўлган синтактик муносабатларни изоҳлашга тўхтайламиз.

Генитив келишигини талаб қилувчи кўмакчилар ёрдамида келган иловали элементлар худди юқорида таҳлил қилинган иловали элементлардек, энг аввало, гапнинг бошқа бўлаклари билан мазмун муносабатида бўлади. Уларга хос бўлган бундай муносабатлар иловали элементларга хос бўлган хусусиятларни аниқлашда асосий омил бўлиб хизмат қилади. Иловали элементларнинг алоҳида коммуникатив бирликлар функциясида келишида улар ўртасидаги синтактик алоқа воситаларини аниқлашда ҳам улар орасидаги мазмуний муносабатлар муҳим роль ўйнайди. Энди генитив келишигини талаб қилувчи кўмакчилар ёрдамида ҳосил бўлган иловали элементларга хос бўлган хусусиятларни изоҳлашга ўтайлик.

Масалан:

1. Noch nie hatte er sie besucht, trotz Einladung.
2. Ich habe mich abgejagt, trotz einer Erkältung.
3. Sie ist also wieder mit dem Herrn Bruder zusammengekommen nach dem Prozess, trotz der Prozesses.
4. Die andern Kettenläden waren eine starke Konkurrenz, trotz der höheren Preise.

5. Margarete, trotz aller Kritik, konnte sich der theatralischen Blendung dieses Triumphzuges nicht entziehen.

6. Rose, trotz all ihrer Plumpheit und Drebkeit, war einfügsam und großzügig.

1,2,3,4,5,6-рақамли мисолларда келтирилган ажратилган бирикмалар қуйидаги хусусиятларга эга: биринчидан, ўзига хос маъновий вазифасига эга. Бу вазифа шундан иборатки, илова орқали бутун гапнинг маъноси бўрттириб кўрсатилади. Иловали элементларнинг маъно хусусияти бу билан чекланмайди, Иловали элементлар орқали қўшимча маънолар ҳам ифодаланган. Ана шу қўшимча маънолар орқали бутун гапнинг мазмуни конкретлаштирилади, тўлдирилади, аниқланади. Қўшимча маъно бу ерда сабаб нозикликларига эга, демак, содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларнинг сабабини изоҳлаб келади; иккинчидан, иловали элементлар икки хил позицияларда келади: гапнинг охирида ва ўртасида. Иловали элементлар билан гаплар орасидаги синтактик алоқалар уларнинг мазмуний муносабатлари ва бир-бирларига нисбатан жойлашиш ўринлари билан, яъни сўз тартиби орқали ифодаланади; учинчидан, улар ҳам ўзларининг оҳангига, тўхтамига ва мантиқий урғусига эга. Уларнинг худди шундай иловали элементлардан фарқи - бу улар алоҳида олинган маълум бўлақларнинг мазмунини эмас, аксинча, бутун гап мазмунини изоҳлаб келишидадир.

3.2. Иловали конструкцияда тўлдирувчининг ўрни

Иловали конструкция ўзига хос хусусиятларга эга, ана шулардан бири унинг структура жиҳатидан мураккаб кўринишга эга бўлиши, унда гап бўлақларининг иштирок этишидир. Маълумки, икки ёки ундан ортиқ иловали элементлардан ташкил топган мураккаб синтактик бутунликка мураккаб структуравий илова қурилма деб аталади. Илова қурилмаларни содда ёки мураккаб структуравий гуруҳларга иловада асосий белгиси сифатида уларнинг структураси эътиборга олинади. Шу ўринда проф. Б.Т.Турсунов илова қурилманинг структуравий гуруҳларини немис тили материаллари асосида ўрганиб, қуйидагича мулоҳаза билдирганлигини таъкидлаш лозим: “Оддий структуравий илова қурилмани ташкил қилувчи компонентларнинг сони ҳар иккала томонда ҳам бир хил бўлиши керак, яъни биттадан гап ёки синтагмалардан ошмаслиги керак; мураккаб синтактик бутунликни ташкил қилувчи компонентлар эса, ҳам иловали элемент таркибида, ҳам асосий ифода таркибида иккитадан кам бўлмаслиги керак. Бошқача қилиб айтганда, мураккаб структуравий қурилмаларни ташкил қилувчи асосий ифодани сони билан иловали элементларнинг сони бараварига ошиши керак, яъни бу нарса иккитадан кам бўлмаган холда содир бўлиши лозим. Шу ўринда гап бўлақларининг ажратиб кўрсатилиши муҳим аҳамиятга эга”.

Иловали конструкция таркибида иловали элемент сифатида гап булақларининг ажратилиб кўрсатилиши куплаб илмий тадқиқот ишларида уз ифодасини топган. Иккинчи даражали булақлардан тўлдирувчининг мураккаб синтактик бутунлик доирасида иловали элемент тарзида қўлланиши масаласи немис тили бўйича олиб борилган тадқиқот ишларида етарлича таҳлил этилмаган. Иловали конструкциянинг структурал-семантик ҳамда стилистик ўзига

хосликларини ўрганишга ҳозирги немис тили материали асосида бир қанча илмий изланишлар бағишланган. Лекин шунга қарамасдан, ушбу тадқиқот ишларида иловали

элементларнинг юқорида таъкидланган ва бошқа бир қанча структурал турлари кам ўрганганлигига гувоҳ бўламиз.

Юқорида билдирилган мулохазаларни таҳлил қилиб, немис тилида тўлдирувчининг иловали элемент сифатида қўлланилишини мисоллар асосида кўриб чиқишимиз мумкин. Шунини айтиш керакки, бу ерда бундай структурал кўринишдаги иловали элемент алоҳида иловали элемент сифатида намоён бўлади.

“Ja, Das werden die Zwillinge. Dann noch den Jungen. Morgen nacht mache ich einen kleinen Elektriker, mit Kartons im Art und einer wenigen Kombizange”. “Einen Südschweden”. “Ja. Einen kleinen”.

Мазкур мисол шунини курсатадики, тўлдирувчи функциясида ифодаланган келадиган иловали элемент асосий ифода таркибидаги тўлдирувчининг маълум коммуникатив функцияни бажариши лозимлиги учун юзага келади. Ушбу иловали элемент асосий ифода таркибидаги тўлдирувчини алоҳида ажратиб кўрсатиш, аниқлаш, тўлдириш, маъносини ривожлантириш ва коммуникативлик асосида конкретлаштириш учун хизмат қилади.

Айтиш лозимки, тўлдирувчи вазифасидаги иловали элемент баъзи ҳолларда маълум боғловчилар билан бирга юзага келади. Натижада ўзининг кўринишлари ва хусусиятлари билан юқорида таҳлил қилинган иловали элементдан бошқачарок эга орқали ифодаланадиган иловали элементнинг алоҳида структурал кўриниши хосил бўлади.

Масалан: Es war schon nachts und sie hatten etwas mehr getrunken als sonst. Auch auf den unvermuteten Sieg des Sportklubs Chemie .Auf unsere Freundschaft. Und später auf den Schornstein. Und auf dich.

Ушбу мисол тахлили шуни курсатадики, иловали элементда кулланган und боғловчиси, auf предлоги асосий ифода ва иловали элемент ўртасидаги синтактик алоқанинг янада мустаҳкамрок бўлиши учун хизмат қилади.

Билдирилган фикр-мулохазалар асосида қуйидагича хулоса қилиш мумкин: хозирги немис бадий адабиётида тўлдирувчи орқали боғловчисиз ва боғловчили ифодаланган иловали элементларни кўплаб учратиш мумкин. Бундай синтактик воситалар маълум синтактик-стилистик мақсадларни кўзлаб қўлланади.

III боб бўйича хулоса

Ушбу боб бўйича олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, таҳлил этилган мисоллар асосида гап бўлаклари қуйидаги хусусиятларга эга: биринчидан, ўзига хос маъновий вазифасига эга. Бу вазифа шундан иборатки, илова орқали бутун гапнинг маъноси бўрттириб кўрсатилади. Иловали элементларнинг маъно хусусияти бу билан чекланмайди, Иловали элементлар орқали қўшимча маънолар ҳам ифодаланган. Ана шу қўшимча маънолар орқали бутун гапнинг мазмуни конкретлаштирилади, тўлдирилади, аниқланади. Қўшимча маъно бу ерда сабаб нозикликларига эга, демак, содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларнинг сабабини изоҳлаб келади; иккинчидан, иловали элементлар икки хил позицияларда келади: гапнинг охирида ва ўртасида. Иловали элементлар билан гаплар орасидаги синтактик алоқалар уларнинг мазмуний муносабатлари ва бир-бирларига нисбатан жойлашиш ўринлари билан, яъни сўз тартиби орқали ифодаланади; учинчидан, улар ҳам ўзларининг оҳангига, тўхтамига ва мантикий урғусига эга. Уларнинг худди шундай иловали элементлардан фарқи - бу улар алоҳида олинган маълум бўлақларнинг мазмунини эмас, аксинча, бутун гап мазмунини изоҳлаб келишидадир.

Бошқача қилиб айтганда, мураккаб структуравий қурилмаларни ташкил қилувчи асосий ифодани сони билан иловали элементларнинг сони бараварига ошиши керак, яъни бу нарса иккитадан кам бўлмаган ҳолда содир бўлиши лозим. Шу ўринда гап бўлақларининг ажратиб кўрсатилиши муҳим аҳамиятга эга”.

Иловали конструкция таркибида иловали элемент сифатида гап булақларининг ажратилиб кўрсатилиши куплаб илмий тадқиқот ишларида уз ифодасини топган. Иккинчи даражали булақлардан тўлдирувчининг мураккаб синтактик бутунлик доирасида иловали

элемент тарзида қўлланиши масаласи немис тили бўйича олиб борилган тадқиқот ишларида етарлича таҳлил этилмаган. Иловали конструкциянинг структурал-семантик ҳамда стилистик ўзига хосликларини ўрганишга ҳозирги немис тили материали асосида бир қанча илмий изланишлар бағишланган. Лекин шунга қарамасдан, ушбу тадқиқот ишларида иловали элементларнинг юқорида таъкидланган ва бошқа бир қанча структурал турлари кам ўрганганлигига гувоҳ бўламиз.

Юқорида билдирилган мулоҳазаларни таҳлил қилиб, немис тилида тўлдирувчининг иловали элемент сифатида қўлланилишини мисоллар асосида кўриб чиқишимиз мумкин. Шунини айтиш керакки, бу ерда бундай структурал кўринишдаги иловали элемент алоҳида иловали элемент сифатида намоён бўлади.

ХУЛОСА

Мураккаб гап синтаксисининг махсус предмети бўлмиш гапнинг иловали элементларига бағишлаб ёзилган илмий-назарий манбаларни атрофлича ўрганиш, шунингдек, ҳозирги замон немис ёзувчиларининг асарларидан тўпланган кўп сонли мисоллар намунасида тўлдирувчили иловали элементларнинг маълум бўлакларга нисбатан бажариб келаётган турли - туман функцияларини таҳлил қилиш қуйидагича хулосаларни чиқаришга имкон яратади:

1. Мураккаб гап синтаксисининг таркибий қисмларидан бири бўлмиш гапнинг иловали элементлари ва уларнинг структуравий гуруҳлари шу кунгача ҳозирги замон немис бадиий адабий тилида тўлиғича ўрганилмаган. Гапнинг иловали элементларидан, аниқловчили, изоҳли ва сифатдош бирикмалари шаклида ифодаланиб келувчи иловали элементлар атрофлича ўрганилган. Бироқ бош бўлаклар, шунингдек ҳол ва тўлдирувчили шаклида ифодаланиб келувчи иловали элементлар бугунги кунгача бирон-бир илмий-тадқиқот ишининг текшириш объектига айланмаган.

2. Гапнинг иловали элементлари, яъни тўлдирувчили иловали элементлар мураккаб гап синтаксисининг энг ҳаракатчан структурал типларидан бири бўлиб, у биз ўрганган матнлар доирасида маълум даражада кенг ёйилиши билангина эмас, балки турлихил структуравий шаклланишга эга бўлишлиги билан, шунингдек, ҳархил маъновий вазифаларни, ранг-баранг стилистик функцияларни бажариб келиши билан алоҳида таъкидланиши лозим.

3. Тўлдирувчили иловали элементларнинг структуравий тузилиши ва грамматик ифодаланиши турли-тумандир. Улар маълум бўлакка ёки бутун гапга нисбатан ёлғиз ёки кенгайган шаклларда бирикиб келиши мумкин. Иловали элементлар структуравий тузилиши

икки ёки ундан ортиқ компонентлардан иборат бўлиб, бир вақтнинг ўзида турли хил лексик-грамматик воситалар ёрдамида кенгайтирилиши мумкин.

4. Тўлдирувчи иловали элементлар турли хил грамматик усулларда ифодаланиб келиши мумкин: тўғридан-тўғри аккумулятив, датив ва генитив келишикларида ва шунингдек, аккумулятив, датив, датив ва аккумулятив, генитив келишикларини талаб қилувчи кўмакчилар ёрдамида.

5. Тўлдирувчи иловали элементлар маълум бўлақларга нисбатан интерпозиция ёки постпозиция ҳолатларида келиб, унга нисбатан икки хил усулда бирикиши мумкин: параллел ва кетма кет.

6. Иловали элементлар ўзларига хос оҳангга, тўхтамга, мантиқий урғуга ва маъновий вазифаларга эга бўлади. Уларга хос бўлган мантиқий илова оҳангида ҳам ўз ифодасини топади: иловали элементлар маълум гап бўлақларидан фарқланувчи оҳанг билан талаффуз қилинади. Иловали элементлар маълум бўлақка нисбатан кўшимча маъно билдириб, унинг мазмунини конкретлаштиради, тўлдиради, изоҳлайди, аниқлайди. Баъзида иловали элементларнинг кўшимча маъноси умумлаштирувчи характерга ҳам эга бўлиши мумкин: иловали элементлар маълум бўлақдан вергул, баъзида нуқта вергул ёки икки нуқта билан ажратилади.

7. Иловали элементлар билан маълум бўлақлар бир-бирларига нисбатан турли хил синтактик муносабатда бўлишади. Бунинг натижасида иловали элементларнинг кўпчилиги маълум бўлақларнинг мазмуни билан алоқада бўлса, айримлари, яъни -durch, ohne, gegen, trotz, wegen- каби кўмакчилар ёрдамида ифодаланиб келувчилари тўғридан-тўғри гапнинг мазмуни билан ўзаро муносабатда бўлишади.

8. Гапнинг у ёки бу бўлагига иловали элементлар функциясида қуйидаги синтактик воситалар таъсир қилиши мумкин: интонация, пауза, мантикий урғу, талаффуз темпаси; сўз тартиби, ёрдамчи сўзлар, синтактик алоқа воситалари ва интонациялари ва тиниш белгилар. Уларнинг ажратилишида синтактик воситалардан ташқари бошқа омиллар ҳам, жумладан, контекстуал ва стилистик омиллар таъсир кўрсатиши мумкин. Бу орада келтирилган омиллар ичида энг муҳими ва етакчиси - бу стилистик омиллардир.

9. Маълум бўлақлар билан иловали элементлар ўртасидаги синтактик алоқалар турли хил усуллар ёрдамида ифодаланади: феъл-кесимларнинг умумийлиги ва бошқарувчанлиги билан; улар ўртасидаги мослашувчанлик усуллари билан; содда гапларнинг зарурий компоненти бўлмиш бош бўлақларнинг яхлитлиги билан, чунки улар фақат маълум бўлақлар учун эмас, балки иловали элементлар учун ҳам бош бўлақлар функциясида келади.

10. Иловали элементларнинг бирдан-бир муҳим синтактик функцияси - бу содда гаплар таркибида келиб, уларнинг структурасини мураккаблаштиришдан иборат: бироқ бу ерда ҳам улар икки хил функцияни бажаради: биринчидан, содда гаплар структурасини мураккаблаштиради, иккинчидан, ўзларининг структураси ҳам ҳар хил лексик-грамматик воситалар ёрдамида мураккаблашади. Натижада уларнинг ҳажм кенгайишлари ҳар-хил характерга эга бўлади.

11. Тўлдирувчи иловали элементларнинг биз ўрганган матнлар доирасида ёйилиш даражаси бир хил эмас: тўғридан-тўғри аккумулятив келишигида ифодаланиб келувчи иловали элементлар ёйилиш даражаси жиҳатидан, бошқа структуравий гуруҳларга нисбатан энг юқорида туради, уларнинг сони 277 та; кўмакчилар ёрдамида келувчи иловали элементлар ичида -mit- кўмакчиси билан ифодаланган иловали

элементларнинг сони жихатидан иккинчи ўринда туради, яъни уларнинг сони 92 та. Матнлар доирасида энг кам ёйилган иловали элементлар - бу -zwischen, -neben, aus, um, nach кўмакчилари билан ифодаланиб келувчи Иловали элементлардир.

12. Иловали элементлар, бу биринчи навбатда, услуб воситасидир. Статистик маълумотларга кўра, иловали элементларнинг биз ўрганган матнлар ҳажмида ёйилиши ҳар хил, яъни унинг ёйилиш даражаси бу ёзувчининг индивидуал услуби билан белгиланади: Масалан, Л. Фейхтвангернинг "Die Brüder Lautensack" асари биринчи ўринни; "Die hässliche Herzogin Margarete Maultasch" иккинчи ўринни; А. Зегерснинг "Die Entscheidung" асари эса учинчи ўринни эгалламоқда. Агарда биз ушбу жадвалда кўрсатилган қолган асарларга эътибор бермасдан фақат Л. Фейхтвангернинг "Die Brüder Lautensack" асарида учрайдиган иловали элементларнинг ёйилиш фойизини Б. Брехтнинг "Dreigroschenroman" асаридаги иловали элементларнинг ёйилиш фойизига қиёс қилсак, у ҳолда ҳақиқатдан ҳам Иловали элементлар, услуб воситаларидан эканлигига ишонч ҳосил қиламиз: "Die Brüder Lautensack" асарида иловали элементларнинг ёйилиш даражаси 4,8 % бўлса, "Dreigroschenroman" асарида эса уларнинг ёйилиш даражаси 0,6 % тенг.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида. –Тошкент: «Ўзбекистон», 1995. -260 б.
2. Абдурахмонов Ғ. Ўзбек тили грамматикаси. Тошкент: «Ўқитувчи», 1996. -247 б.
3. Адмони В. Г. Синтаксис современного немецкого языка. Л., 1973. -С. 366
4. Адмони В. Г. Пути развития грамматического строя в немецком языке. М., 1973. -С. 171
5. Алимарданов Р. Гапни актуал бўлакларга иловада интонациянинг ўрни. Лингвистическая интерпретация специального текста и активизация обучения иноязычному общению. Материалы международной теоретической конференции (Самарканд: 23-30-сентября 1998 года). – Самарканд: Сам ГУ. 1998. -С. 20- 23.
6. Алимарданов Р. Инглиз ва ўзбек тилларида интонация моделлари ва уларнинг вазифалари ҳақида. Актуальные проблемы сравнительно-типологического изучения языков. Материалы симпозиума. - Термез, 1999. С. 12- 15.
7. Алимарданов Р. Интонация ва синтаксис муносабати. Матн ва унинг талқини. Халқаро илмий-назарий конференция материаллари (Самарканд 16-18-ноябрь 2000 йил). –Самарқанд: СамДЧТИ, 2000. -б. 240- 244
8. Ахмедова Б. М. Илова қурилманинг баъзи бир структуравий хусусиятлари (Л. Фейхтвангер асарлари асосида). -Самарқанд: Сам ДУ. 1997. -53- б.
9. Ахмедова Б. М. К вопросу изучения порядка слов в современном немецком языке. Вестник, Каз ГУ. Серия филологическая №37.- Алматы, 2000. С. 56-57.

10. Бегматов М. Mit-предлоги билан келган тўлдирувчи иловали элемент. (Сам ДЧТИ профессор-ўқитувчиларининг II-илмий-назарий анжумани материаллари 1996 йил 27-29-май). -Самарқанд: СамДУ, 1996. 22- 23 б.

11.Бегматов М. Тўлдирувчи билан ифодаланган иловали элементларнинг функциялари. Номзодлик диссертацияси автореферати. - Тошкент, 1999. -24 б.

12. Бегматов М. Тўдирувчи билан ифодаланган иловали элементларнинг функциялари. Номзодлик Битирув малакавий ишси. - Самарқанд, 1999. -145 б.

13. Бродович О. И. Обособление компонентов предложений. В кн.: Структурный синтаксис английского языка. - Л., 1972. С. 65-68.

14. Бўронов Ж. Б. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси. –Тошкент: «Ўқитувчи», 1973. -284 б.

15. Бушуй А. М. Лингвистика текста и речевая деятельность. Матн ва унинг талқини. Халқаро илмий-назарий конференция материаллари (Самарқанд 16-18-ноябр 2000 йил). -Самарқанд: СамДЧТИ, 2000. -б.20-29.

16. Бушуй А. М. Типология семантических корреляций в немецком и английском языках. «Олий мактабларда хорижий тилларни ўргатишнинг лингвистик ва услубий муаммолари» мавзусидаги республика илмий амалий конференция материаллари. Самарқанд: Сам ДАҚИ, 2002. –б.5-9.

17. Бушуй А.М.. Зияева С. Ажратилган сўз бирикмаси немис тили синтактик сатҳда деривацион ҳодиса сифатида. Хорижий филология: тил, адабиёт, таълим. -Самарқанд: СамДЧТИ, 2004, 3(12). -б. 9-19

18. Гжаниянц Э. М., Астапова Г. М. Сравнительно-сопоставительный анализ повтора в парцеллированных структурах

английского и русского языков. Сб.: Семантико-стилистические исследования текста и предложения. Л.: Ленингр. гос. пед. ин-т., 1980. С. 31- 38.

19. Гулыга Е. В. Теория сложноподчиненного предложения в современном немецком языке. -М., 1971. -206 с.

20. Джусупов М., Кудакеева А.З. О взаимосвязи внутренней формы фразеологизма и его лингвокультурологической сущности. Халқаро илмий-назарий конференция материаллари (Самарқанд 2004 йил 26-27-ноябр). -Самарқанд: СамДЧТИ, 2004. -С. 142-143.

21. Добровольскис Б. Проблема предварительного обучения обособленным второстепенным членам предложения. Автореф. дисс. на соиск. учен. степ. канд. педагог. наук. -Вильнюс, 1968. -27с.

22. Зиндер Л. Р., Строева Т. В. Современный немецкий язык. М., 1957. -240 с.

23. Зиндер Л. Р., Строева Т. В. Пособие по теоретической грамматике и лексикологии немецкого языка. Л., 1962. -148 с.

24. Ильина С. Г. К вопросу о наиболее типичных прилагательных обособленных элементах в английских научных текстах. Кн.: Общественно-политический и научный текст как предмет обучения иностранным языкам. Тезисы докладов и сообщений. М., 1986. -С. 59-60.

25. Ильина С.Г. О некоторых обособленных элементах предложения. Сб.: Дидактико-педагогические основы обучения иностранным языкам научных работников. Л., 1988. -С.119-129

26. Ильина С.Г. Обособленные субстанциальные синтаксемы при глаголе в современном английском языке. Автореф. дисс. на соиск. учен.степ. канд. филол. наук. Л., 1990. -24 с.

27. Ильина С.Г. Особенности прилагательных обособлений в английских научных текстах. Кн.: Иностраный язык для специалистов. Психологические, методические и лингвистические аспекты. М., 1990. -С. 155-161.

28. Ихсангалиева Г. К. Функционально-прагматический анализ заголовков. Автореф. дисс. на соиск. учен. степ. канд. филол. наук. - Алматы, 2000. - 30с.

29. Кунназаров Е. Лексико-семантическая структура глаголов действия в немецком и каракалпакском языках. Автореф. дисс. на соиск. учен. степ. канд. филол. наук. -Баку, 1991. -18 с.

30. Маскопов Б. Ўзбек тилшунослигида илова конструкциялари масаласи. –Журнал: «Ўзбек тили ва адабиети», 1973, №6, 49-51-б.

31. Мешкова Л. А. Структурно-семантические и стилистические особенности предложений, ослаженных несколькими глагольными сказуемыми. Автореф. дисс. на соиск. учен. степ. канд. филол. наук. М., 1984. -25 с.

32. Морару Ю. С. Присоединительные конструкции семантического исследования с антецедентом именного типа. В кн.: Теоретические и прикладные исследования по романским и германским языкам. – Кишинев: «Штиинца», 1985. -С. 78-80.

33. Морару Ю. С. Присоединительные конструкции семантического исследования с антецедентом глагольного типа. Сб.: Прагматико-функциональное исследование языков. –Кишинев: «Штиинца», 1987, -С. 58- 63.

35. Облакулова С. Х. Союзные слова как средства связи между компонентами ССЦ. Вестник Каз ГУ. Серия филологическая №37. - Алматы 2000. -С. 90- 91.

36. Облакулова С. Х. Сўз тартиби доирасида баъзи бир компонентларнинг вариативлиги ва мобиллиги. Проблемы билингвизма и интерференции (материалы международной конференции) -Ташкент, 2001, С. 109-111.

37. Омантурдиев Ж., Омантурдиев А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. -Термез, 2001. -107 с.

38.Потапова Ж. Е. Стилистические функции многофокусной повторной номинации в конструкции обособленного приложения. - Вестник Харьк. гос. уни-та, 1982, №231, -С.66-70

39. Распопов И.П. К вопросу об обособлении. Русский язык в школе, №4, 1967. –С.102-107.

40. Расулова М.И. Соотношение мыслительных и лексических категорий в лингвистических исследованиях. Халқаро илмий-назарий конференция материаллари. (Самарқанд 2004 йил 26-27 ноябр). - Самарқанд: СамДЧТИ, 2004. -б. 182-184.

41. Рахимов С. Р. Проблема построения и понимания текста. Лингвистическая интерпретация специального текста и активизация обучения иноязычному общению. Материалы международной теоретической конференции (Самарқанд 28-30-сентября 1998 года). – Самарқанд: СамГУ. 1998. –С. 136-140.

42. Саттаров М. Матн, унинг таркибий қисмлари ва бирлаштирувчи воситалари ҳақида. Халқаро илмий-назарий конференция материаллари (Самарқанд 16-18-ноябр 2000-йил) - Самарқанд: Сам ДЧТИ. 2000. -б. 138-142.

43. Турсунов Б. Т., Сафаров Ш. С. Присоединение второстепенных членов предложения. Вестник КазГУ. Серия филологическая №27 -Алматы 2000. -С.90-91.

44. Турсунов Б. Т. Ягона синтактик категория остида. Халқаро илмий-назарий конференция материаллари (Самарқанд 16-17-ноябр 2000-йил). –Самарқанд: СамДЧТИ. 2000. –б. 10-14.

45. Турсунов Б. Т. Союзные присоединяемые элементы подлежащего. Проблемы билингвизма и интерференции. Материалы международной конференции. -Ташкент, 2001, С.119-122.

46. Турсунов Б.Т. Обособление и присоединение. Илмий тадқиқотлар ахборотномаси (Илмий-назарий, услубий журнал. – Самарқанд: СамДУ, 2005, № 2 –б. 57-59

47. Ўзбек тили лексикологияси. –Тошкент: «Фан» нашриёти, 1981. –313 б.

48. Ўзбек тили синтаксиси. -Тошкент «Ўқитувчи» 1983. -С.362

49. Умаров А. У. Сопоставительная грамматика русского и каракалпакского языков. –Нукус: 1992. –315 с.

50. Admoni W. Der deutsche Sprachbau. М.,- Л.,1966. – 284 S.

51. Arssenjewa M. G. u.a. Grammatik der deutschen Sprache М., 1960. -436 S.

52. Gulyga E.W., Nathanson M.D. Syntax der deutschen Gegenwartssprache М., L., 1966. -226 S.

53. Jung W. Grammatik der deutschen Sprache. VEB Bibliographisches Institut Leipzig -1967. -518 S.

Фойдаланилган бадий адабиётлар рўйхати

1. Feuchtwanger Lion. Narrenweisheit oder Tod und Verklärung des Jean- Jaques Rousseau. Aufbau - Verlag, Berlin, 1953. - 442 S.
2. Feuchtwanger Lion. Die häßliche Herzogin Margarete Maultasch. Aufbau - Verlag, Berlin, 1954. - 310 S.
3. Feuchtwanger Lion. Die Brüder Lautensack. Greifenverlag zu Rudolstadt. 1956, - 346 S.
4. Flegel W. Ein Katzensprung. Militärverlag, Berlin, 1976, - 251 S.
5. Hörnig Ursula. Palermo und die himmelblauen Höschen. VEB Hinstorff Verlag Rostock, 1972. - 186 S.
6. Kellerman Bernhard. Totentanz. Verlag Neues Leben, Berlin. 1981. - 380 S.
8. Kraft Ruth. Unruhiger Sommer. Verlag der Nation Berlin, 1985. - 350 S.
9. Steinberg Werner. Als die Uhren stehenblieben. Mitteldeutscher Verlag, Halle-Leipzig, 1960. - 463 S.

Интернет манбалари

mail:disert@list.ru

mail:disertant@mail.ru

mail:info@disserr.ru

www.all-referats.ru

www.bankrabort.com

www.dissforall.com

www.ref.uz

www.nauka-shop.com

www.google.de